

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

Абдурахмонов Шамсиддин Умаржонович

Мавзу: Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш

Ихтисослик 5140900 – Касб таълими “Информатика ва ахборот технологиялари” бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

«Иш кўриб чиқилди, ҳимояга қўйилди»

«Информатика ва ахборот
технологиялари» кафедраси мудири т.ф.н,

доцент. Б.Эргашев
“ _____ ” _____ 2013 й.

Илмий раҳбар

т.ф.н,
доцент. О.Жакбаров

**Мавзу: Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон
дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш**

Мундарижа

Кириш	3
I. Асосий қисм.....	4
1.1. Масалани ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар	4
1.2. Масаланинг қўйилиши ва амалий аҳамияти	6
1.3. Электрон дидактик воситаларнинг амалий машғулотларни ўтказишдаги самарадорлиги.....	7
1.4. Ўқитиш технологияларининг мавзуга мос услубларини танлаш, таҳлил қилиш ва асослаш	7
1.5. Дарсда қўлланиладиган дидактик материаллар ва ахборот технологияларини таҳлил қилиш	10
1.6. Электрон дидактик воситалар ишлаб чиқишнинг дастурий воситалари	12
1.6.1. Электрон қўлланма яратиш учун компьютернинг техник таъминотиغا талаблар 12	
1.6.2. Macromedia Dreamweaver дастури имкониятлари	12
1.6.3. Web Page Maker дастури ва унинг электрон қўлланма яратишдаги имкониятлари.....	15
1.7. “Файллар” мавзуси бўйича маъруза ва амалий машғулот учун электрон дидактик восита яратиш технологияси ва йўриқномаси	19
1.8. Файллар мавзуси бўйича маъруза дарс машғулотларини ўтиш методикаси.....	21
1.8.1. Лойиҳаланаётган мавзу ўқув мақсадлари ва модуллари	21
1.8.2. Мавзунинг маъруза матни	21
1.8.3. Дарснинг замонавий (интерфаол) моделини яратиш	24
1.8.4. Мустақил иш учун савол ва топшириқлар	27
1.9. Файллар мавзуси бўйича амалий дарс машғулотларини ўтиш методикаси	28
1.9.1. Мавзу бўйича ўтказиладиган амалий машғулотнинг технологик харитаси	28
1.9.2. Дарснинг интерфаол моделини яратиш	29
1.9.3. Мавзу бўйича баҳолаш мезони	31
1.10. Дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш самарадорлиги	32
II. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	32
Хулоса.....	32
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	34
Илова.....	Ошибка! Закладка не определена.

Кириш

«Илм маърифатга кизиқиши
сушт мамлакатнинг келажаги
хам булмайди».

А.Каримов

Хаёт тажрибаларидан маълумки, купинча янги кашфиёт маълум бир муаммони хал қилиш жараёнида вужудга келади. Биз сузсиз компьютернинг XX аср нинг буюк кашфиётларидан бири десак янглишмаймиз. Давр талабига кура бугунга келиб компьютер технологияси жуда ривожланиб кетди. Маълумотларни бошқариш тизимларига булган талаб кун сайин ортиб бормокда. Катта ҳажмдаги маълумотлар базаси ва ахборотлар устида ишлашга тугри келяпти. Жамият тараққиётида юз бераётган жадал узғаришлар унинг бир қисми булган информатика соҳасига хам уз таъсирини курсатмокда. Бу таъсир шунчалик кучлики, ахборот технологияларида булаётган узғаришлар йиллар ичида эмас, балки ойлар ичида узғариб ва бойиб бормокда. Ахборот технологияларида жуда катта ютук ва узғаришлар амалга ошди. Янги ахборот технологияларининг ёки компьютер технологияларининг пайдо булиши бу соҳадаги хизмат қилиш услубини тубдан узгартирди.

Электрон дидактик воситалар ҳамда ўқув адабиётлари замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгитдан сақлаш билимларни интерфаол усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имконига эга бўлган манба ҳисобланади.

Электрон дидактик воситалар ва ўқув адабиётлари билим оловчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва қушимча маълумотлар билан таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Таълимни ислоҳ қилиш шундай электрон дидактик воситаларни яратишни талаб қиладики уларнинг мавжуд бўлиши ўқувчилар ва ўқитувчилар учун таълим муассаси ва уй шароитида бир хил бўлган компьютерли муҳитни таъминлашни тақозо этади.

Электрон дидактик воситаларни яратиш билан боғлиқ бўлган кўпгина тушунчаларнинг кенг маънодаги изоҳли талқини компьютер ва ахборот технологиялари ривожланиб бориши билан янада кенгайиб бораётган билимлар билан тўлдирилиб борилмокда.

Республикаимизда олиб борилаётган ислохотларнинг тақдирида юқори малакали мутахассисларнинг роли бениҳоя каттадир. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Эртанги кун янгича фикрлай оладиган, замонавий билимга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади». Шу сабабли халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлари, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиялар асосида етук мутахассислар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилди ва жадал суръатлар билан ҳаётга татбиқ этилмокда.

Давлатимиз томонидан ахборот технологиялари соҳасида юритилаётган сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири, ёш авлодни Янги ахборот технологиялари асосида, мультимедияли дидактик воситаларни яратиш асосида ҳамда Янги педагогик технологиялар асосида таълим бериш орқали ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ва давлатимиз равнақиға янада кўпроқ ҳисса қўиши учун ёшларимизни янада илмли ва баркамол қилиб тарбиялаш ҳисобланади.

Таълим тизимидаги чуқур ва кенг қўлами ислохотларнинг мазмуни ва амалга ошириш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таъкидланганидек, «Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истикболларидан, тахминий эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиялаш замонавий ютуқларидан келиб чиқган ҳолда қайта қуриш лозим.

Оммавийлаштирилган узлуксиз таълим тизимиға юз минглаб педагоглар талаб қилинади, фақатгина касб-хунар коллежларининг ўзига юз мингдан ортиқ педагог ва муҳандис педагоглар жалб этилади. Асосий мақсадимиз касб-хунар коллежларимизда ўқитиш тизимини янада яхшилашдан иборатдир. Бу ишларни амалга оширишда ўрта махсус, касб-хунар таълими вазибалари алоҳида эътиборға лойиқ ҳисобланади.

Ҳозирги кунда таълим тизимида касб-хунар таълимини зарур меъёрий ҳужжатлар, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, шунингдек электрон маълумотлар базасини бойитиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмокда.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти» тасдиқланди. Уларда қўрсатиб ўтилганидек, ўрта-махсус касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларига қўйиладиган фундаментал фанлар ва аниқ касб соҳаси доирасида назарий ва амалий билимларға эға бўлиш, компьютер ва телекоммуникация

воситаларидан фойдалана олиш, ўқув фанлари бўйича олий таълим муассасаларида тахсил олиш учун зарур бўлган билимлар мажмуасига эга бўлиш вазифаси қўйилган.

Айниқса, касб-хунар коллежларида ўқувчиларга таълим беришда электрон кутубхоналарнинг ташкил этилиши ва амалда фойдаланилиши, ҳар бир касб-хунар коллежининг ички интранет сайтининг яратилиши ва ундан тўғридан тўғри ўқув жараёни ва мустақил таълимда фойдаланилиши бугунги куннинг энг катта ютуқларидан деб ҳисоблашимизга асос бўла олади.

Биз қўриб ўтмоқчи ва ҳал қилмоқчи бўлган масаланинг асосий мақсади ҳам «Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш» асносида касб-хунар коллежларининг таълим жараёнида дидактик воситаларни яратиш ва улардан дарс машғулотларида самарали фойдаланиш, ички интранет сайтлари учун янги бир ахборот манбаини яратиш ва ундан институт ички интранет сайтида фойдаланиш учун Web саҳифа, яъни электрон восита яратишдан иборат.

Битирув малакавий ишида қўйилаётган «Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш» мавзуси ҳам келтириб ўтган фикримизнинг далили сифатида ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Агар биз мана шу дидактик воситани яратсак, келгусида яратилган ушбу дидактик восита асосида талабаларга самарали билимларни беришда фан ўқитувчиси ҳамда талабаларни ўзлаштиришида мажмуа ўзининг самарали натижаларини бериши мумкин бўлади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши асосан кириш, асосий қисм, ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва илова бўлимларидан ташкил топган.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида қўйилган масала бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, унинг долзарблиги, фойдаланишдаги самарадорлиги, қўйилаётган натижалар, бажарилаётган иш бўйича давлатимизда олиб борилаётган сиёсат, ижобий ишлар ҳақидаги умумий фикрлар келтириб ўтилади.

Ишнинг асосий қисмида ўқув жараёнини ташкил этишда электрон дидактик воситаларни ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар, масаланинг қўйилиши ва унинг амалий аҳамияти масалани ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар, ўқитиш методикасининг умумий масалалари, дидактик тамойилларни ўқув жараёнига қўллаш, педагогик технологиялар таҳлили, дарс ўтишнинг ташкилий шакллари танлаш ва асослаш, ўқитиш технологияларининг мавзуга мос услубларини танлаш, таҳлил қилиш ва асослаш, дарсда қўлланиладиган дидактик материаллар ва ахборот технологияларини таҳлил қилиш, файллар мавзуси бўйича маъруза дарс машғулотларини ўтиш методикаси, лойиҳаланаётган дарс мавзуси ва ўқув модуллари, аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ёритиш, мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар, дарснинг замонавий (интерфаол) моделини яратиш, мавзунинг маъруза матни, мустақил иш учун савол ва топшириқлар, маъруза матнини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар рўйхати, файллар мавзуси бўйича амалий дарс машғулотларини ўтиш методикаси, амалий машғулот мавзуси бўйича дарс лойиҳаси ва ўқув модуллари, аниқлаштирилган ўқув мақсадлари, дарснинг интерфаол моделини яратиш, ўқитиш воситалари ва методларини танлаш ва асослаш, электрон дидактик воситалар ишлаб чиқишнинг дастурий воситалари, “файллар” мавзуси бўйича маъруза машғулоти учун электрон дидактик воситалар яратиш, “файллар” мавзуси бўйича амалий машғулотлар учун электрон дидактик воситалар, электрон дидактик материалларнинг ўқув жараёнидаги ва иқтисодий самарадорлигини асослаш ва ҳисоблаш каби масалалар келтириб ўтилади.

I. Асосий қисм

1.1. Масалани ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар

Касб хунар коллежларида етишиб чиқаётган жуда кўплаб таълим йўналишларида, хусусан 3521901- Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари, 3521904-Компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш ва уларнинг дастурий таъминоти, 3521907-Компьютер тармоқлари ва офис жихозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш ва 3521910-Мультимедиа тизимлари ва компьютер графикаси мутахассисларини тайёрлашда Дастурлаш асослари фани мутахассислик фани сифатида ўқитилади. Бу фаннинг асосий мақсади ўқувчиларга Паскаль дастурлаш тилининг барча имкониятларини ыргатиш, уларни бу тилда амалий масалаларни мустақил ечишга ыргатишдан иборат. Фаннинг асосий вазифалари сифатида эса, талабаларга Паскаль программалаш тилини имкониятлари, вазифалари ҳақида маълумотлар бериш; талабаларни Паскаль муштитида ишлаш қўникмаларини яратиш; Паскаль программалаш тилида илова ёзиш воситалари билан таништириш; ўқувчиларни Паскаль программалаш тилида ишлаб чиқариш, илм-техника, иқтисод масалаларини мустақил еча олишга тайёрлаш ҳисобланади.

Бу фан «Системага хизмат кўрсатиш», «Информатика», «Дастурлаш технологияси» каби фанлар билан боʻланган бўлиб, фанни ўқитишда янги педагогик технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хар бир талабани билимини мустахкамлаш ва мустақил фикрлаш =обилиятини ошириш учун курсни ўқитиш мобайнида замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланилади. Асосан ўқитиш махсус компьютер синфларида, ҳисоблаш техникасига асосланган ҳолда олиб борилади.

Мавзуларнинг намунавий режаси

№	Мавзулар	Аудиториядаги ўқув юкламаси соатларда.						
		Жами	Назарий	Амалий	Лаборатория	Семинарлар	Курс иши	Мустақил иш
	Паскаль тили асосий тушунча ва операторлари.							
1	Паскаль тилининг умумий тавсифи. Металингвистик формулалар тили. Тил алфавити. Тилнинг асосий тушунчалари. Операторлар. Исмлар ва идентификаторлар. Эълонлар. Узгарувчилар.	10	8	2				
2	Маълумотларнинг асосий типлари. Турбо-Паскаль муҳитида ишлатилувчи асосий типлар ҳақида маълумотлар. Бутун сонлар. Ҳақиқий сонлар. Белгилар ва каторлар. Маълумотларнинг мантикий типлари. Янги типларни лойиҳалаш.	10	8	2				
3	Паскаль программанинг структураси. Паскаль тилининг операторлари. Узлаштириш оператори. Арифметик узлаштириш оператори. Мантикий узлаштириш оператори. Белгилар узлаштириш оператори. Ташкилий операторлар. Ўқув оператор.	10	8		2			
4	Ўқув оператори. Шартли оператор. Вариант танлаш оператори	10	8		2			
5	Такрорланувчи (цикл) операторлар. Параметрли такрорлаш оператори. Repeat такрорлаш оператори. While такрорлаш (цикл) оператори.	12	8	2	2			
6	Санокли типлар. Чекланган типлар.	8	8					
7	Сатр тоифалари сатрлар устида бажариладиган функциялар	6	6					
8	Массивлар. Бир улчамли массивлар. Кўп улчамли массивлар. Улар устида амаллар	10	6	2	2			
	Процедура ва функциялар.							
9	Подпрограммалар ташкили. Процедура ва функциялар Рекурсия ва уни ташкил этиш	12	8	2	2			
10	Тупламлар ва улар билан ишлаш учун мувожазланган процедура ва функциялар	10	8		2			
11	Модуллер ташкили ва моҳияти	10	6	2	2			
	Файллар.							
12	Ўқув тушунчаси уни ташкил этиш. Файл тоифа турлари. Файлларни ташкил этиш. Тоифали файллар. Файллар билан ишлаш учун процедура ва функциялар. DOSмодули. Тоифасиз файллар. Улар билан ишлаш. Матн файллари, улар учун функциялар.	10	6	2	2			

	Паскаль графикаси.							
13	Graph модули хақида. Экранни график режимга ўтказиш. Graph модули функциялари	10	8	2				
	Динамик хотира тушунчаси.							
14	Курсаткич тоифалари уларни бўлаш. Динамик массивлар. Занжирлар улар устида амаллар.	12	8	2	2			
	<i>Жами</i>	140	104	18	18			58

1.2. Масаланинг қўйилиши ва амалий аҳамияти

Бизга маълумки, бугунги кунда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг деярли барчасида компьютерлар билан таъминланиш даражаси яхши бўлиб, улардан бемалол тажриба ва амалий машғулотларни ташкил этиш самарали йўлга қўйилган бўлиб, компьютер билан ишлаш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, Мутахассислик фанларида ҳам компьютер ва унда интернет тармоғи билан ишлаш бўйича дарс машғулоти ўтказилади. Лекин информатика ва ахборот технологиялари йўналиши бўйича мутахассис бўлиб чиқадиган ўқувчиларга “Дастурлаш асослари” фани алоҳида фан сифатида чуқурлаштириб ўтилади. Бу фан бўйича бугунги кунда махсус электрон услубий кўрсатмалар, электрон қўлланмалар ҳамда турли хилдаги дидактик воситалар ишлаб чиқариш ва уларни дарс машғулотида бевосита фойдаланиш, дарс машғулот сифатини оширишда катта аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишида бизга “Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш” мавзуси берилган бўлиб, бу мавзу бўйича ишда қуйидаги вазифаларни бажаришимиз талаб этилади:

- Масалани ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар
- Масаланинг қўйилиши ва амалий аҳамияти
- Ўқитиш методикасининг умумий масалалари
- Дидактик таомилларни ўқув жараёнига қўллаш
- Педагогик технологиялар таҳлили
- Дарс ўтишининг ташкилий шакллари танлаш ва асослаш
- Ўқитиш технологияларининг мавзуга мос услубларини танлаш, таҳлил қилиш ва асослаш
- Дарсда қўлланиладиган дидактик материаллар ва ахборот технологияларини таҳлил қилиш.
- Файллар мавзуси бўйича маъруза дарс машғулотларини ўтиш методикаси
- Лойиҳаланаётган дарс мавзуси ва ўқув модуллари
- Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ёритиш
- Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар
- Дарснинг замонавий (интерфаол) моделини яратиш
- Мавзунинг маъруза матни
- Мустақил иш учун савол ва топшириқлар
- Маъруза матнини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар рўйхати
- Файллар мавзуси бўйича амалий дарс машғулотларини ўтиш методикаси
- Амалий машғулот мавзуси бўйича дарс лойиҳаси ва ўқув модуллари
- Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари
- Дарснинг интерфаол моделини яратиш
- Битта гуруҳнинг дарсдаги фаолияти учун технологик харита ишлаб чиқиш
- Ўқитиш воситалари ва методларини танлаш ва асослаш
- Электрон дидактик воситалар ишлаб чиқишнинг дастурий воситалари
- “Файллар” мавзуси бўйича маъруза машғулот учун электрон дидактик воситалар яратиш
- “Файллар” мавзуси бўйича амалий машғулотлар учун электрон дидактик воситалар яратиш
- Электрон дидактик материалларнинг ўқув жараёнидаги ва иқтисодий самарадорлигини асослаш ва ҳисоблаш;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича меҳнат муҳофазаси қоидаларини ишлаб чиқиш;

– Хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини шакллантириш талаб этилади.

Битирув малакавий ишида келтириб ўтилган барча муаммоларни ҳал қилиш натижасида биз Дастурлаш асослари фани бўйича Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этишимиз ва фанга тегишли бўлган янги электрон услубий таъминот ва қўлланмага эга бўламиз. Энди мавзунга доир барча маълумотларни кейинги бўлимларда тайёрлаб олайлик.

1.3. Электрон дидактик воситаларнинг амалий машғулотларни ўтказишдаги самарадорлиги

Талабаларга фан сирларини ўргатиш - бу электрон маълумотлар, энциклопедиялар, таълим берувчи дастурлар, таълим олувчилар билимини автоматик назорат қилиш воситалари, электрон ўқув нашри сифатида кўриб чиқиладиган ягона дастурли услубий мажмуалардаги электрон қўлланмалар, тренажерлар ва виртуал стендлар каби электрон воситаларни яратишга интилиш ҳисобланади. Таҳлилий ишларимиз натижаларига кўра мамлакатимиз ўқув юртига кириб келаётган замонавий компьютерлар асосида ўқув юртига ахборотлаштиришга интилиш жараёни таълимда электрон қўлланмалар учун йўл очиб бермоқда. Таълимни ислоҳ қилиш шундай электрон қўлланма яратишни талаб қиладики, уларнинг мавжуд бўлиши, ўқувчилар ва ўқитувчилар учун, аудитория ва уй шароитида бир хил бўлган компьютерли муҳитни таъминлашни тақозо этади.

Шуни таъкидлаш жоизки янги яратиладиган қўлланмаларда физика, техника, математика ва тиббиёт соҳаларидаги ибратли ишлари ёритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро қўлланмаларда миллат фикрининг, миллат тафаккурининг ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши зарур.

Маълумки, ҳозирги кунда интернет технологиялари жадал сарфатлар билан ривожланиб бормоқда, бу эса талабаларни интернетда ишлаш билан бирга уларга мос равишда турли хил саҳифаларни яратиш технологиясини билишлари талаб қилинади.

Ўргатувчи машиналарни ўқув жараёнида қўлланиши натижасида дастурланган таълим тушунчаси вужудга келди. У педагогик технологиянинг дастлабки ўхшатмаси эди. Лекин, дастурланган ўқитиш тарафдорларининг «ўқитишни оғзаки баён қилиш услубидан воз кечиш вақти келди, машина ўқитувчи шахсини бемалол алмаштириши мумкин», деб эҳтиётсизлик билан айтган фикрлари амалиётчи педагогларни ўта ҳайратга солди, назариётчи педагоглар эса уни қатъий эътироз билан қабул қилдилар. Бу ўринда, дастурланган таълим ҳақида америкалик педагог У. Шрамминг қуйидаги фикрини мисол тариқасида келтириш мумкин: -Дастурланган ўқитиш - бу автоматик репетитор бўлиб, у талабани:

- мантикий ўзаро боғлиқ, қисқа қадамлар орқали;
- деярли хато қилдирмасдан;
- тўғри жавоб беришга йўллайди ва у;
- ўз ўрнида баҳоланиб мустахкамланиши натижасида;

ўқитиш мақсадларини белгилувчи аниқ жавобларга кетма-кет равишда яқинлаштириб боради.

Демак, бундан таълим жараёнида ўқитувчи шахсини батамом инкор этилади, деган хулосага келиш мумкин.

Ўқув жараёнига замонавий техник воситаларини қўллаш тарафдорлари ўқитиш сифатини яхшилаш, айнан ана шу воситаларга боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Тегишли услубий тавсиялар таълим жараёнида техник муҳитни яратишга, яъни технология тушунчасини ўқитиш жараёнига қўллаш масалаларига қаратилди. Дастлаб «компьютерли технология» ва «янги ахборот технологияси» каби тушунчалар вужудга келди. Булар педагогик технологияни амалга ошириш учун замонавий техник восита сифатида қўлланила бошланди.

1.4. Ўқитиш технологияларининг мавзуга мос услубларини танлаш, таҳлил қилиш ва асослаш

Касб-хунар коллежи талабаларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқитишининг ўзига хос самаралари бўйича фикр юритиш учун аавало фанга, қолаверса, фаннинг мавзусига нисбатан янги педагогик технологияларни қўллаш ҳамда бу технологияларнинг турлари бўйича керакли билим ва қўникмага эга бўлиш талаб қилинади.

Шу фикрларга таянган ҳолда замонавий педагогик технологияларнинг бир неча стратегияларини келтириб ўтайлик. RWCT дастурида инсон фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи 60дан зиёд интерфаол стратегия (усул)лар баён қилинган. Бу стратегиялар ўзининг соддалиги, ўта амалийлиги ва ўқитиш самарадорлиги ҳамда талабалар фикрлаш қобилиятини бениҳоя ривожлантириши билан аҳамиятлидир. Уларнинг барчасини педагогик амалиётда самарали қўллаш учун махсус курсни битириш зарур. Биз касб-хунар коллежларида қўллаш учун энг характерли бўлган айрим стратегияларга тўхталиб ўтайлик.

Вақт жиҳатдан чегараланган методлар. У муваффақият фактор-нинг конструкторлик фаолиятига сезиларли таъсир этишни қайд қилишга асосланади: баъзиларда вақт жиҳатдан чегаралаш фаоллигини оширади ва сокинлик ҳолатига қараганда, янада юқори натижаларни кўрсатади, бошқаларида (кўпинча) турли даражада ўз хулқини ўзгарти-ради, натижалари камайиб кетади ва ҳамма вақт ҳам охириги ечимига

эришилмайди; учинчиларида, вақт жих.атдан чегаралаш уларни жиловлайди, талвасага туширади, улар пароканда бўладилар, вавасага бери-лади, кўпчилиги ёки бир қисми вазифани ечишдан бош тортадилар.

Тўсатдан таъқиқлаш. Жараённинг у ёки бу босқичида хатти-ҳаракатларнинг қандайдир деталлар механизми таъқиқланади. Бу билан штамплар, конструкторлик фаолияти, мосламалар, қисмлар, деталларнинг машхур типларини қўллаш имкониятлари бузилишининг олди олинади.

Тезликда эскизлаш методи. Талабаларнинг конструкторлик фаолиятининг у ёки бу пайтида расм чизиш талаб қилинади, ўз фаолиятини бевосита назорат қилинишига конструкторлик ижодий жараёнини образлар воситасида бошқаришга, ёрдам берадиган миясига (ҳаёлига) келган барча конструкцияларни тасвирлайди.

Янги вариантлар методи вазифани, бошқача бажаришни талаб қилишда, яъни счимнинг бир неча вариантлари бўлган ҳолда, унинг янги вариантини топиш ва бажаришда кўринади.

Ахборотлар танқислиги методи конструкторлик фаолиятининг биринчи босқичларида алоҳида фаоллик вазифаси қўйилганда қўлланади. Бувда вазифанинг бошланишида маълумотлар жуда оз бўлади.

Ахборотлар мўллиги методи вазифа қўйилган шароитда, ортиқ даражаца маълумотлардан фойдаланишга асосланади.

Бемаъни методнинг моҳияти шундаки, унда мутлақо бажариб бўлмайдиган конструкторлик вазифаси (абдий двигателни яратишга ўхшаш) қўйилади.

Рекодификация методи. Унинг моҳияти шундаки, ҳодисаларни «кўчириш» фактлари билан боғлиқ янги ва бетакрор ғояларни ишлаб чиқиш мақсадида ҳодисаларни бошқача ифодалашдир, у «кашфиётлар майдони (матрица)» га асосланади. Рекодификацияни бир тилдан иккинчи тил (фанда кўпинча математика тили)га ўтказиш деб тушунса қам бўлади. Бирок у барча рекодификация тили бўлиши мумкин эмас, график ифодалар, схемалар, таблицалар, диаграммалар ҳамрекодификация вазифасини бажариши мумкин.

Ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш методлари: Дельфи методи - тавсия этилган сериядаги муқобишшрдан энг ях-шисини танлаб олишга ёрдам беради.

Гуруҳ аъзоларидан ҳар бир муқобилга муайян изчиллнкда баҳо бе-риш талаб қилинади. Тадбирни ўтказиш тартиби қуйидагича. Масалан, сгатистик мегодлар орқали 5та камчилик (дефект) сабаблари аникдан-ган. Қайси бири муҳим камчилик? Муҳокама иштирокчилари муаммо-ни аввало муҳимлик даражасига кўра саралаб чиқадилар. Узлари учун муҳ,им ҳисобланган муқобилни биринчи ўринга, иккинчи даражаларини бешинчи ўринга кўядилар. Шундан сўнг қар бир муқобилга ҳар бир иштирокчи камчиликларнинг сабабларига тўхталган ҳолда 10 баллик тизим асосида баҳо қўйиб чиқади. Бунда энг юк,ори балл сифатида 1 ва энг пасти 10 балл этиб белгиланади. Учинчи босқичда муқрбил-ларнинг ҳар бири ўзаро кўпайтирилади ва ҳосила рақам топилади. Энг кам рақам тезликла ва биринчи навбатда бартараф қилинадиган сабаб-ни билдиради. Ҳисоблашни осонлаштириш учун махсус жадвал (4.03) ясалиши мумкин.

Венн диаграммаси. Бу усул тушунчаларнинг икки ёки ундан ортиқ тушунчаларни ўзига ҳос ва умумий жихатларин таҳлил қилиш ва умумлаштиришда қўлланилади. Бунда ўнг ва чап айланаларга тушунчаларнинг ўзига ҳос жищатлари, доираларнинг кесишган сощасига эса, улар учун умумий бўлган жихатлар ёзилади. Масалан, «назарий машғулот» ва «амалий машғулот» тушунчалари учун Венн диаграммаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Бу Венн диаграммасини жадвал кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

Назарий машғулотга ҳос жихатлар	Иккаласи учун умумий бўлган жихатлар	Амалий машғулотга ҳос жихатлар
1. Назарий (когнитив) билимлар берилади. 2. Асосан ўқитувчи олиб боради. 3. Фан учун жищозланган хонада ўтказилади.	1. Аниқ мақсадга йўналтирилган. 2. Вақти чегараланган. 3. Дарс жадвали асосида ўтилади.	1.Психомотор (характерга оид) кўникма ва малакалар шакллантирилади. 2.Назарий машғулот-дан кейин ўтилади. 3. Тренажёрлардан фойдаланилади.

«Қора қути» методи. Бу метод асосида счиладиган муаммолар аниқ вазиятни таҳлил қилиш орқали амалга оширилди, яъни таҳлил давомида иштирокчилар беихтиср камчиликлар (дефектлар)нинг юзига келиши масалаларига тўхталди. Иштирокчиларни бунга махсус, мақсадга мувофиқ қўйилган саволлар ундайди. Масалан, «Бу вазият нимага олиб келади?» ёки «Бу ҳолатда механизмлар иши қай даражада барқарор?» ва б. «Қора қути» методини моҳияти шундаки, унда камчиликлар сабаби йўл-йўлакай аниқланади. Буни кишиларнинг ижодий ташаббуслари ривожлантирилади.

Кундалик тутиш методи. Гуруҳнинг ҳар бир аъзосига ён чўнтак дафтарчаси тарқатилади. Умга, айтайлик, бир ҳафта давомида муҳокама қилинадиган муаммо бўйича туғилган фикрлар қайд қилиб борилади. Барча иштирокчиларнинг сзиб борган фикрларни пешқадамлар томопида таҳлил қилиниб, тайёрланган материал охириги муҳокамага олиб чиқилади. Бу метод қўйидаги жиҳатларни билан ажралиб туради: биринчидан, туғилган ғоя, аниқ рационал таклиф ўша гуруҳнинг фикри даражасига кўтарилади, иккинчидан, турли хилдаги тортишувлар, нуктаи назарлар гуруҳ мажлисига хал қилинади, кескинлашган нуктаи назарлар ҳам текисланади.

6-6 методи: Олти кишидан кам бўлмаган гуруҳ 6 минут давомида гуруҳ олдида турган муаммони счишга ёрдам берадиган аниқ ғояни шакллантиришга ҳаракат қилади. Ҳар бир иштирокчи алоҳида саҳифаларга ўз фикрларини ёзиб боради. Бу жуда ихчам тарзда амалга оширилади: жипсликларнинг бузилиши, материалларнинг бузилиши, технологияларнинг бузилиши тарзида. Шундан сўнг гуруҳда барча тайёрланган рўйхатлар муҳокама қилинади.

Муҳокама жараёнида ўта хато қарашлар чиқариб ташланади, мунозарали масалаларга аниқлик киритилади, бошқа барча аниқланган хусусиятлар гуруҳлаштирилади. Вазифа - бир неча муҳим муқобилларни саралаб олиш, бинобарин, уларнинг миқдори иштирокчилар миқдorigа нисбатан кам бўлиши лозим.

Бевосита жамоа бўлиб «Фикрлар ҳужуми» («Мозговая атака») олиб бориш. Бу методдан мақсад мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгашдир. Бу метод А.Ф. Осборн томонидан тавсия этилган. Бу методнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлақ тақиқлаш, ҳар қандай лўқма ва ҳазил мутоибани рағбатлантиришдир. Бу методдан фойдаланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи - машғулот раҳбарига боғлиқ. «Фикрлар ҳужуми» иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

Талаба асосий ахборотни кузлари орқали олади. Умумий қабул қилинган ахборотнинг 80 % идан ортиги қуриш органлари орқали қабул қилинади. Педагог шунинг учун кургазмали куруллардан унумли фойдаланиши зарур. Аммо талабанинг нотиклиги, ўз фикрини эшитувчи қалбига етказа олиш маҳоратини аҳамияти бекиёсдир.

Нотиклик - бу санъат ва маҳоратдир. Бу борадаги малака фақат амалиёт билан боғлиқ ҳолатда оширилади. Таҷрибанинг таҳлили, ўз-ўзига танқидий қараш ва бошқа хусусиятлар тупламидан иборат.

Эшитувчи аудиториянинг таркибини билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, мутахассислик бўйича I ва IV босқичларда тахсил олаётган талабанинг мутахассислик ҳақидаги ахборотни “ҳазм” қилиш (қабул қилиш) тезлиги фарқланади. I босқич талабасига 1 дақиқада 80-100 та сузни айтиб улғурилса, IV босқич талабаси учун 100 тадан 180 тагача сузни 1 дақиқада айтиш мумкин. Нотик ҳар 10-15 дақиқада ўқувчилар диққатини жамлаш учун ҳар хилдаги эътиборни жалб этувчи усуллардан (столни тақиллатиш ёки кизик фикр, мақол ва ибора айтиш қабиларни ишга солиб) фойдаланиб аудиторияни кизикишини уйғотиши ҳам самара беради.

Маъруза давомида енгил савол бериб ҳам, аудитория эътиборини нотик ўзига қараттириши мумкин. Ўқитувчи ўзи утаётган фаннинг туб моҳиятини тушунган бўлиши, мутахассислик фанидаги охириги замонавий ютуқ ва янгиликлардан хабардор бўлиши талаб этилади. Ҳар бир мавзунини ўқиш вақтида амалдаги мисоллардан келтириб, маъруза ўқитишнинг самараси юқори бўлади. Маъруза давомида турли плакатлар, видеотехника имкониятларидан ҳам фойдаланиш, кадоскопларни қўллаш қабил техник воситалардан унумли фойдаланиш нотик учун вақтни тежаш имконини беради. Тежалган вақт мавзу бўйича тушган савол ва янги ибораларни мазмунини таҳлил этиш учун керак бўлади.

Талабаларни билим эгаллаш нозорат топширишида тубдан янги бўлган восита - шахсий электрон ҳисоблаш машиналари қўллани бошланди. Айниқса махсус сиртки бўлим талабаларига компьютер технологиялари асосида тўлақонли машғулотларни ўқиш вақт нуктаи назаридан етарли имконият бўлмайди. Бундан ҳолларда фаннинг машғулотлари бўйича электрон услубий таъминотлар ишлаб чиқилиб, ЭХМ базасида ўрганиш имкони пайдо бўлди. Ишлаб чиқаришда ҳам ЭХМ нинг имкониятларидан тулик фойдаланиш иқтисодий самара беради.

Талаба билимининг нозорат қилишда эса саволлар базаси катта бўлган билимлар банкидан тез фурсат ичида фойдаланиш имконига эга бўламиз.

ЭХМ ни умумий ахборотлар тизимига уланса (интернет орқали) ривожланган мамлакатлардаги ахборот базасидан тезкор фойдаланиш имкони очилади.

Бунинг учун эса талабалар инглиз тилидан хабардор бўлишлари керак.

ЭХМнинг энг чуққи имкони - бу машина ва механизмларнинг конструктив элементларини хотирадаги билимлар базасига таянган ҳолатда қайта лойиҳалаш ва энг қулай (оптимал) ечимни топиш имкониятидир. Бу эса минглаб янги ихтиро ва кашфиётлар яратиш имконини беради.

ЭХМни куллаш коғозни ва вақтни тежаш имконини беради. ЭХМдан фойдаланувчи ва ЭХМ ишлаши учун программа тузувчини фарқлаш керак. ЭХМ дан фойдаланувчи нисбатан жуда киска муддатда куника ва малакага эга булса, программа тузувчи булиш учун эса куп йиллик тажриба талаб этилади.

Метод - бу грекчадан *methodos* - тугридан-тугри таржима килинганда “нимагадир йул” маъносини англатади ва аник мақсадга эришишдаги фаолият усулини билдиради [7].

Укитиш услуб (метод) лари куйидагича тавсифланади:

- ахборотни узатиш манбалари ва қабул килиш тавсифига кура: огзаки, кургазмали ва амалий;
- укитишнинг мазкур боскичида кулланиладиган асосий дидактик масалаларга боглик холда: билимни эгаллаш; билармонлик ва куникмаларни шакллантириш, олинган билимларни куллаш, ижодий фаолият, тақрорлаш (билимни мустаҳкамлаш); билимни, билармонлик ва куникмаларни текшириш;
- таълимни мазмунан узлаштириш буйича: тушунтиришли иллюстратив (кургазмали); репродуктивли; муаммоли иншо, кisman изланишли ва тадқиқотчилик ва бошқа купгина турлари мавжуд.

Укитишнинг асосий гуруҳларига:

- 1) укиш-урганиш фаолиятини бажариш ва ташкил этиш услублари;
- 2) укиш-урганиш фаолиятини асослаш ва рағбатлантириш услублари;
- 3) укиш-урганиш фаолиятини самарасини назорати ва уз-узини назорат килиш услублари мансуб.

1-чи гуруҳнинг узи ҳам куйидаги услубларга булинади:

- огзаки услублар (кургазмали ва амалий услублар (укув ахборотини қабул килиш ва узатиш жабхалари));
- индуктив ва дедуктив услублар (мантикий жабха);
- репродуктив ва муаммоли-изланиш услублари (фикрлаш жабхалари);
- мустакил ва укитувчи раҳбарлигида ишлаш услублари (укитишни бошқариш жабхалари).

2-гуруҳ куйидагиларга булинади:

- укишга кизиқишни уйғотиш (мотивлаш) ва рағбатлантириш услублари;
- укишда бурч ва жавобгарликни уйғотиш (мотивлаш) ва рағбатлантириш услублари.

3-гуруҳ куйидагилардан иборат:

- назорат ва уз-узини назорат услублари;
- лабораторияли-амалий назорат ва уз-узини назорат услублари.

1.5. Дарсда қўлланиладиган дидактик материаллар ва ахборот технологияларини таҳлил қилиш

Дидактик материалларга талабаларнинг мустакил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қobiliятларини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли, кизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар ўйинлар, крассовордлар каби материаллар киради. Шунингдек ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган таркатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йурикномалар, амалий ишни ташкил этиш буйича технологик хариталар ва ҳ.к. киради.

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда куйидагиларга эътибор беришлари керак:

- Муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш;
- Тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш;
- Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
- Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мулжаллаш;
- Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.



Мустақил ўрганишни таъминловчи ва амалиётларни ўтказишга йўналтирилган ўқув материалларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Буларга йўналтирувчи матнлар, лойиҳалар ва модулларни мисол қилиш мумкин. Бу ўқув материаллари талабаларни мустақил билим олиш ва меҳнат фаолиятига йўналтирилган бўлади. Ўқув материаллари талабаларнинг фанга тегишли фаолият усули бўйича назарий маълумотлар билан бир қаторда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун турли хилдаги, ҳажмдаги ва мураккабликдаги савол ва топшириқлар тизимини қамраб олиши керак.

Ижодий топшириқлар таркибига ижодий машқ, ижодий мустақил иш, турли дидактик ўйинлар киради. Агар ижодий машқ воситасида ўрганилган билимлар янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилинса, ижодий мустақил иш дилллардан янги хулосалар чиқариш ҳамда янгича фаолият усулларини фаолиятда қўллаш билан ажралиб туради.

Муоммали вазиятли ва ижодий ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда қуйидаги қоидаларга риоя этилиши тавсия этилади:

- топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши керак;
- ўқув топшириғидаги муаммони ҳал этишда талабалар ақлий фаолиятини турли усуллар ёрдамида ривожлантиришни кўзда тутати;
- топшириқлар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқлик кўрсатилиши керак;
- топшириқлар ечимини аниқлаш ва талабалар онгида ҳодисалар ёки жараёнлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятларини назарда тутилиши лозим;
- топшириқларни бажариш жараёнида талаба оддий тушунчалардан, у ҳали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имконини бериши лозим;
- топшириқни бажариш жараёнида оддий тушунчалар талабага маълум бўлмаган тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади;
- топшириқни бажаришда талаба тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан ва ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади;
- ижодий фикрлаш асосида янги билимлар шаклланади.

1.6. Электрон дидактик воситалар ишлаб чиқишнинг дастурий воситалари

1.6.1. Электрон қўлланма яратиш учун компьютернинг техник таъминотига талаблар

Бизга Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш асосий масала сифатида куйилади. Бунда масалани ечиш жараёни учун компьютернинг куйидаги конфигурацияси минимум талабларга жавоб бериши лозим бўлади:

- Pentium III ёки ундан юқори тезликка эга бўлган процессор (CPU);
- 32-разрядли амаллар тизими. Windows-95 ёки Windows NT операцион тизими;
- 32 Мбайтли оператив хотира (DIM ёки DDR).
- Агар шахсий Web сервер (Personal Web server) қўлланилмаса, унда 16 Мбайт оператив хотира;
- Қаттиқ диск (винчестер) да 200 Мбайт бўш жой;
- VGA видео адаптери ёки 25 та рангни қўллаб қувватловчи SVGA видеоадаптери;
- Сичқонча (манипулятор);

Шунингдек компьютернинг куйидаги қўшимча қурилмаларига ҳам талабларни келтириб ўтиш мумкин:

Натижаларни олиш ва чоп қилиш учун принтер;

Керакли ахборотларни сканерорқали ўқитиш ва компьютерда тасвирини ҳосил қилиш учун сканер;

Электрон дидактик воситадан фойдаланиш жараёнида эшитиш учун кулоқлик (наушник).

Электрон дидактик воситадан фойдаланиш жараёнида эшитиш учун Sound Buffer ва ҳ.к.

Шунингдек, агар яратиладиган ўргатувчи электрон дидактик восита электрон кутубхоналарга ҳамда

Интернет сайтларига боғлаш учун мослаштирилса, HUP қурилмаси, Интернет тармоғига уланиш учун зарур бўлган барча техник воситалар ҳамда видеопроекторлар бўлиши фойдадан ҳоли эмас.


1.6.2. Macromedia Dreamweaver дастури имкониятлари

DreamWeaver – Бу дастур HTML кодли веб саҳифаларни езишни сонлаштириш мак саҳида яратилган. Қўпгина дастурлар бор аммо лекин улардан фойданаиш жараёнида компьютердан куп ресурс ва хотиралар талаб қилади.


Агар биз тугмачани боссак тайер дастур булагини олишимиз мумкин. Дастурда узгартириш қилиб сичқончани курсаткичи Билан бирор объектни урнидан силжитсак тезда унинг натижасини кураимиз. Энг асосийси биз қулда кодларни териб езишни билишимиз керак бўлади. (Хеч булмаганда DreamWeaver асосида) DreamWeaver хама нарсани автоматлаштиради қайсики автоматлаштиришни имкони борларини. Агар бизга жадвал яратиш керак бўладиган бўлса биз ҳеч қандай математик ҳисобларсиз яратишимиз ҳамда уни натижасини қуриб узгартишлар қиритишимиз мумкин. DreamWeaver – HTML кодли саҳифаларни яратишда ута қулай ҳисобланган дастурдир. Албатта бошқа дастурлар ҳам бор уз қучи ва вазни Билан қуйликлари куп ҳисобланган. Мана қанча йилдирки HTML яратадиган дастурчилар икки қурилишда яратишмоқда бири блокнотли ва прогрессив-Ҳақиқий гуруҳлар фақат блокнотда езишади. Бу блокнотда езиш исон учун қуришга осон бўлгани учун езишади. Лекин вақт вақт деган муаммога дуч қелиши аниқ. Бу эса минутда бажариладиган ишни соатда бажарилишига ҳам олиб қелади. DreamWeaver- эса HTML тилини унча яхши билмайдиганлар учун ҳам қуллай олади. Лекин бу дегани HTML ни кодларини билиш шарт эмас экандеган фикр олиб қелмайди. Профессионал ҳолатда бўлмасада қайси булак нимага жавоб беришини аниқ билишингиз ва англай олишингиз керак. Биз DreamWeaver MX ни (олтинчи версияси шундай ном олган) гап борар экан нимага DW 2004 дея қолмаймиз? Чунки уни ўзи ярим йил ичида пайдо бўлган уни эса русификатори ҳам ҳали пайдо бўлмаган. Бу эса инглиз версиядан фойдаланишга тугри қелиб ВЕБ дизайнер учун инглизчани билмаслик ўзини ўзи ҳурмат қилмасликка қиради. DreamWeaver MXни қуришни тушина билишимиз зарур. Унда DreamWeaver MX ни интерфейсини танлай билишимиз керак бўлади. Агар биз DreamWeaver ни олдинги версияларидан фойдаланган бўлсак бизга бу версия ноқулайроқ туюлиши мумкин. Уни хама интерфейсларини ишлата олсак у ҳолда аввалги фиримиздаги ноқулайликни унутамиз. Биз энди DreamWeaver MX ни 3 версияни асосий менюларини қуриб қиламиз. Меню «Файл», «Правка», «Вид», «Вставка», «Изминения» ва ҳ.к..

1.1. Янги файл ҳосил қиламиз:

Менюда Файл/Создать (Горячие кнопки - **Ctrl+N**):



Куйидаги диалог ойнасини кураимиз :



Уни очганимизда фойдаланувчилар шаблони мавжуд, улар аниқ сўатлардан олинган.



Пастиди икта дарча бор **Унгда: Basic Page** (Сахифани асосий куруниши) - **HTML** – Биринчи этапда энг кераклиси; **HTML - Template** – шаблон яратиш; **Library Item** – Белгилар кутибхонаси; **CSS** – Ташки CSS жадвалини хосил килиш; **JavaScript** – Ташки Жава-Скрипт; **XML** – Бу алохида хужжат курунишида хосил булиб, эски дастурларга тушинарси леки нута кулай хисобанади. Бошланишида сиздан бу талаб килинмайди.

Яратилаётган хужжат турини ойнани ярим чап кисмидан танлаб, унг томондаги таклиф киинаетган ассортиментларни куришимиз мумкин. Танланаётган хужжат турларини умуман олаганда исталган турда истаган хилда топлиниши мумкин.


Чанда: Basic Page - Асосий (тепада курсатилган) **Dynamic Page** - Динамик саҳифа. PHP, ASP, Perl тилларини конун каби езинилади. **Template Page** – Бу ерда шаблонлар йигмаси; **Other** – Фрейм ва бошкарлар; **CSS** – Жадвални каскад усули. Менюни унг тарафида таерларини танлаш имконини яратади; **Frame** – Фреймларни бошқаришни ташкил килиш. Фреймлар SSI прайдо булгунга кадар ишлатилинишда кенга фойдаланилган лекин у анча огир ва нукулай хисобланган.

Page Designs – Саҳифа дизайни; **Page Designs (Acessible)** – Аналогли. У ерда форма ранглари тайер холдаги купгина тури мавжуд . Манна карабсизки HELP (маълумот) тугмасига келдик. Ердам файлини очади. Настройки – (Бу файлларни саклашга алокаси йук) бунинг учун бунинг учун иссик тугмаларни бирлаштириш керак булади.

Get More Content – Куйшимча эслатмалар тугмаси хисобланиб, руйхатдан утган фойдланувчилар учун Internet га кириб Макромедия сайтига кириб кушимча маълумотларни олишлари мумкин булади. Уни пастиди эса киска шархловчи ойнани куришимиз мумкин. Энг пастиди эса XHTML- ни кушма холатга

келтира оламиз. XHTML- маълумотлар учун алохида форма хисобланиб . шахсий компьютерлар учун мулжалланган ва почта сервислари учундир, бу эса ички булгиларини HTML- га ухшаб кетганини кузатишимиз мумкин. HTML- ни кириб келаетган технологиясини оддий алмишишига.

Файлларни сақлашда менюнинг Save булимини танласак файлни кайта номлаш еки бошқа жойга сақлашни еки ҳудди шу проектимиздан нусха олиш учун Save as... дан фойдаланишимиз мумкин бўлади . Бунда ҳар хил турдаги фойрматлардан фойдаланишимиз мумкин. КУЙида елтирилган расмдан куришиб турибдики дримерни сақлай оладиган фай кенгайтмалири саногии анча эканлигидан далолат беради.



Куйида куриб чикадиган дастурнинг менюси "Правка" деб номланиб унда езилаётган сайтни таҳрирлашга ердам беради.

Агар биз ножуя ҳаракат орқали керакли белги еки расм шунга ухшаш амални учирилишига йул куйдик дейлик буни тузатиш учун менюдан edit ни танлаб Undo Backspace еки ctrl+z ни биргалликда босиш орқали тугрилашимиз еки хатони кайтаришимиз мумкин.

Агар буни акси булган булса ҳам бизга Дример бизга ҳамма MS дастурлдари каби ердам бера олади ва бунинг учун Repeat Backspace еки ctrl+u ни биргалликда босиш орқали тугрилашимиз еки хатони кайтаришимиз мумкин.

Яна бир дримерни таҳрирлашдаги кесиш орқали яъни блокга олинган хох объект еки матн , расм булсин уни уша ердан киркиб олиб дастур буферига езиб куяди. буни ҳам менюдан edit ни танлаб "Cut" еки ctrl+x ни биргалликда босиш орқали

Блок орқали нусха олиш учун куллашни менюдан edit ни танлаб унда сору ни танлаймиз еки ctrl+c ни босишимизни узи кифоя.

Блокга олиб буферга олинган матн еки расм булагини керакли жойга жойлаштириш максидида edit ни танлаб унда paste танлаймиз еки ctrl+v ни босишимиз кифоя.

Блокга олинган объектни учиритиш учун clear ни босамиз.


Бундан ташкари сору HTML ва paste HTML булимлари бор унда белгиланган объектни уша форматга олади ва керакли жойга жойлаштиради.

Select All- Саҳифадаги ҳамма белгиларни блокга олиш учун фойдаланилади

Select Paren tag - Дримерни шундай кулайлик томонлар ҳам борки унда факат тегларни еки алоҳида абзацларни белгилаб олиш имконига эга

Find and Replace- кидиш ва алмаштириш

Find next - келган жойидан кидиришини давом эттириш



Правка менюси

Куйида куриб чикадиган дастурнинг менюси "Правка" деб номланиб асосан бу булимнинг функцияси курунишларни фойдаланувчилар учун кулай булишини таъминлаш мақсадида фойдаланилади. Буни куйидаги келтирилган булимдаги каторларни айтилишини куриб чиқишимиз мумкин:

Code ни танлашимиз билан ойнада фақат биз езаётган сайт еки хужжатни кодли варианты пайдо булади.

Desidn ни танлашимиз билан ойнада фақат биз езаётган сайт еки хужжатни дизайни еки ишлатилишида куруниши пайдо булади.

Code and Desidn ни танлашимиз билан ойнада фақат биз езаётган сайт еки хужжатни код ҳамда дизайни иккаласи биргалликда куринади.

Switch views Ctrl + ` ни танлашимиз билан дизайн ойнасидан код ойнасига утади такрор босилганда эса буни акси булади.

Refresh Desidn view F5 - ни танлашимиз билан дизайн ойнасида килинилган охириги узгаришни янгилайди еки олиб чиқади.

Live data бази бир тегларни еки расм шунга ухшаш объектларни жадвалларни саҳифаларни езишда яшириб туради.

Table view - жадваллани икки хил курунишга утказади стандарт ва белгиланган саҳифали булади. буни биринчи ҳолатларда жадвалларни тула сирти билан кенгрок курунишини кура оласан белгиланган саҳифали курунишида жадвал ичидаги катакчаларни ҳажмларини осонлик билан узгартириш имкониятига эга буламиз.


Rulers - Бунда фақат гина дизайн ойнаси учун улчамлари ҳар хил катталикларда қабул клиган жазбарни ойнани чап ва юкори қисмларига жойлашганини куришимиз мумкин.

Grid - Бунда езилаётган саҳифани дизайн қисмига исталган катталикларда тур жойлаштиришимиз ва уни рангини ҳам узимиз булгилай олишимиз мумкин булади.

1.6.3. Web Page Maker дастури ва унинг электрон қўлланма яратишдаги имкониятлари


Web Page Maker дастур и Web дастурларни яратиш учун мўлжалланган дастурий воситалардан бири бўлиб, уни ўрнатиш учун Web Page Maker дастурини ўрнатиладиган махсус дастурини ишга туширамыз ва дастурий таъминотни ўрнатамыз. Дастур компьютерга ўрнатилганидан сўнг экранда ва Пуск тугмасида унинг ёрлиғи пайдо бўлади.

Бу ёрликни кўриниши  шаклда берилади. Дастурни ишга тушириш учун шу ёрлик устида сичқонча тугмасини икки марта босамиз. Экранда дастурнинг куйидаги кўриниши пайдо бўлади.




Ушбу ойнанинг юқори қисмда титул ойнаси, сўнгра бош меню буйруқлари, инструментлар панели ҳамда асосий ишчи ойна жойлашган. Экраннинг ўнг қисмида эса, яратилаётган сайтнинг файллари тўплами келтириб ўтилади. Янги сайт яратиш учун инструментлар панелидан “создать” ёки файл-создать буйруғини танланади.

Шундан сўнг сайт яратиш жараёни бошланади. Сайтни яратишда саҳифанинг ишчи ойнасини сошлаш учун ишчи ойнада сичқончани ўнг тугмасини босилади ва ҳосил бўлган менбдан “параметры” буйруғини танланади. Экранда қуйидаги ойна ҳосил бўлади:




Бу ойна орқали ишчи ойна ҳоатини ўзгартириш мумкин, унда ойна заминини, киритиладиган матн рангини, гипершорат кўринишини, юқори ва қуйи колонтитуллари ўрнатиш, фонга расм ўрнатиш, овозларни ўрнатиш каби функцияларни бажариш имкониятлари мавжуд.


Страница меню буйруғини танласак, экранда қуйидаги ойна ҳосил бўлади:



Бу ойна ёрдамида сайтга янги саҳифа қўшиш, мавжуд саҳифадан яна битта ҳосил қилиш, сайт мундарижасини кўриш ва бош саҳифани кўрсатиш ёки олиб ташлаш каби функцияларни бажариш мумкин.




Вставка (қўйиш) меню буйруғида асосан матнларни киритиш, расмларни қўйиш, график объектларни қўйиш, турли фигураларни чизиш, ҳаракат панелидан фойдаланиш, чизиқ чизиш, жадвалларни яратиш, гипершоратлар қўйиш, закладка қўйиш, ҳаракатланувчи сатр киритиш, flash фильмларини, media файлларни қўйиш, форма қўйиш ҳамда бошқа дастурлаш тилларидаги шаблонлардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Юқори меню буйруқларидан “формат” буйруғини танласак, экранда қуйидаги ички меню буйруқ пайдо бўлади:




Ҳосил бўлган ойна ёрдамида гипершоратлар шаклини, ранглар ва рамка турларини, саҳифа параметрларини, ойна параметрларини ҳамда html шаклдаги дастур матнини кўриш мумкин бўлади.

Кейинги юқори меню буйруғи “Расположение” (жойлашув) деб номланиб, буйрукни танласак, экранда ички буйруқларнинг қуйидаги кўришини ҳосил бўлади:



Бу меню буйруқ ёрдамида саҳифадаги элементларни олдинги, орқа қисмга ўтказиш, ҳамма белгиланган элементларни олдинги ёки орқа қисмга ўтказиш, ўнг, чап, юқори ва қуйи томонларини тенглаштириш, белгиланган элементларни гуруҳлаш ёки гуруҳдан чиқариш каби ишларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Шунингдек, элемент ҳажмини ўзгартиришни ҳам шу меню буйруқлар тўпламидаги “размер” буйруғи ёрдамида амалга оширилади. Кейинги буйруқ “Инструменты” (инструментлар) деб номланиб, уни устида сичқонча тугмасини босилса, экранда қуйидаги кўриниш пайдо бўлади:




Бу буйруқ ёрдамида яратилаётган сайтнинг харитасини кўриш ва уни таҳрирлаш мумкин бўлади.

Энди инструментлар панелидаги буйруқлар ва уларнинг вазифаси билан танишиб чиқайлик:

	Янги саҳифа яратиш
	Мавжуд файлни очиш ва уни сақлаш тугмаси
	Охирги бажарилган амални бекор қилиш ва қайта бажариш амали
	Саҳифага матн қўйиш ҳамда саҳифага расм қўйиш
	Саҳифага меню жойлаштириш (Навигация панели)
	Саҳифага шакл жойлаштириш
	Белгиланган элемент рангини ўзгартириш, гипершорат қўйиш ва яратилган саҳифани намойиш этиш буйруғи

Web Page Maker дастурининг энг яхши кўрсаткичларидан бири унда навигацион меню яратиш имкониятининг катталиги ҳисобланади. Бундай навигацион менюни саҳифага жойлаштириш учун инструментлар панелидан “панел навигации” буйруғини танланади ва экранда қуйидаги ойна ҳосил бўлади:




Бу ойнадан уч хил типдаги, яъни Capsule Clip, Rectangle ҳамда Rectangle2 шаклидаги меню блокларни яратиш имкониятлари mavjud.

Яратилган саҳифани Web Page Maker дастурида сақланганда унинг кенгайтмаси *.wss шаклида бўлади. Уни браузер орқали намойиш этиш учун эса, юқори менюдан файл-экспортировать HTML буйруғини танланади. Натижада яратилган сайт html файл шаклига ўтказилади ва сайтни ихтиёрий браузерда фойдаланиш имконияти яратилади.

1.7. “Файллар” мавзуси бўйича маъруза ва амалий машғулот учун электрон дидактик восита яратиш технологияси ва йўриқномаси


Эндиги асосий вазифа битирув малакавий ишида келтирилган “Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш” мавзуси асосида электрон дидактик восита сифатида услубий таъминот ишлаб чиқиш ва уни технологиясини ёритишни амалга оширамиз.

Бунинг учун услубий таъминотни умумий структурасини яратиб олайлик. Бу структурани масалани моҳиятига қараб қуйидагича келтиришимиз мумкин бўлади:



Энди ушбу структурага таянган ҳолда электрон услубий таъминотни умумий кўринишини ҳосил қиламиз. Бу кўринишни яратишда Web саҳифа ва сайтларни яратиш учун фойдаланиладиган дастурий воситалардан бир нечасини юқорида таҳлил қилиб чикдик. Энди мана шу дастурий воситалардан бири Web builder дастурий воситаси асосида электрон услубий таъминотни яратайлик.


Яратиладиган таъминотни ойна кўринишини ўқта қисмга ажратиб оламиз. Юқори қисмини баннер билан тўлдирамиз ва уни кўринишини қуйидагича тайёрлаб оламиз:



Экраннинг чап томонига эса, электрон услубий таъминотнинг гипершоратларга эга бўлган бошқа саҳифаларнинг номини келтириб ўтаемиз. Бу саҳифаларга айнан мана шу гипершоратлар орқали мурожаат қилиниши мумкин бўлади. Бу булимни қуйидаги шаклда яратиб олинади:



Ҳар бир гипершоратга эга бўлган саҳифаларни очиш учун асосий ойнада фрейм яратиб олинади. Бу фреймни бўш ҳолатдаги шаклини куйидагича тайёрлаб олинади:



Келтириб ўтилган расмдаги ойнада колган саҳифаларни ҳам кўриш ва фойдаланиш имкониятини ҳисобга олинади.

Дастурдан фойдаланишда эса, браузер дастурлар асосида ишлатилади. Дастур ишини якунлаб системага қайтишда браузер дастурни ўнг юқори бурчагидан “х” белгисини босиш етарли бўлади.

1.8. Файллар мавзуси бўйича маъруза дарс машғулотларини ўтиш методикаси

1.8.1. Лойиҳаланаётган мавзу ўқув мақсадлари ва модуллари

Мавзунинг ўқув мақсадларини шакллантиришда аввалги билимларнинг мустаҳкамлиги ҳисобга олинади. Лойиҳаланаётган мавзунинг ўқув мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Файлларни яратиш буйруклари
- Файлни очиш ва ёпиш буйруклари
- Файлни таҳрирлаш
- Яратилган файлларни ҳажмини аниқлаш ва хусуситини аниқлаш буйруклари
- Файлни учиратиш буйруғи ва унинг формати
- Файл ҳақида маълумот олиш
- Файл ва унинг типлари

Талаба фан учун ажратилган мавзунинг ўзлаштириш натижасида қуйидаги ўқув мақсадларига эришиши керак бўлади.

1. Когнитив (билишга оид) соҳада
 - Файл ҳақида тушунча олади;
 - Файл элементи ҳақида тушунча олади;
 - Файл индекси ҳақида тушунча олади;
 - Файл ўлчовлари ҳақида тушунча олади;
 - Файл типлари ҳақида тушунча олади;
 - файл яратишни билади;
 - Паскал тилида файлга маълумот кирита олади;
 - дастурда файлнинг вазифасини билади;
 - файл элементлари устида турли амалларни бажариш мумкинлигини билади;
 2. Психомотор (ҳаракатга оид) соҳада
 - Файл ярата олади;
 - файлга тип бера олади;
 - файл типини ўзгартира олади;
 - файл ярата олади;
 - файллар устида амалларни бажаришни билади;
 - файл элементларини саралай олади;
 - фиксирланган файл ярата олади;
 - динамик файл ярата олади;
 3. Аффектив (ҳиссиётга оид) соҳада
 - Файл имкониятларини англаб етади;
 - файлни соддалигини, тушунарли эканлигини англаб етади;
 - файл билан ишлаш қулайлигини сезади;
 - файл жуда мукамал ва беқиёслигини ҳис қилади;
 - файл устида ихтиёрий амал бажариш мумкинлигини ҳис қилади;
 - файллар ёрдамида катта ҳажмдаги ахборотларни ҳам қайта ишлаш мумкинлиги ҳис қилади;
 - файллардан фойдаланилганда дастурчи меҳнатларини анча енгиллашишини ҳис қилади;
- Ўқув мақсадларини тўлиқ англаган талаба ва ўқитувчи уларни амалга ошириш учун, яъни фан учун ажратилган мавзунинг тўла ўзлаштириш учун ҳаракатга киришадилар.

1.8.2. Мавзунинг маъруза матни

Режа:

1. Файл типларини ҳосил қилиш;
2. Файл типлари билан ишлаш процедуралари ва уларнинг вазифалари.

1. Файл типларини ҳосил қилиш

Файлли типдаги ўзгарувчиларни дискдан маълумот ўқиш олувчи ёки дискка маълумот ёзиб қўйувчи программаларда ишлатиш мумкин. Файлли типдаги ўзгарувчиларни эълон қилишда **file** ва **text** хизматчи сўзлари ишлатилади:

```
var      mfile 1, mfile 2: file;
         afile: file;
         Prima: text;
```

text хизматчи сўзи файлнинг матнли эканлигини аниқлатади. Матнли файллар махсус белгилар билан ажратилган, узунлиги номаълум бўлган қаторлардан ташкил топади. Айрим пайтларда файлларни бир хил типли ҳадлар кетма-кетлиги кўринишида қараш қулайроқ бўлади. Бу кетма-кетлик қаторлар, бутун сонлар ёки ёзувлардан ташкил топиши ҳам мумкин:

```
var      A1: file of byte;
         {A1 файли байтлар кетма - кетлигидан ташкил топган}
         A2: file of integer;
         {A2 файли бутун сонлар кетма-кетлигидан ташкил топган}
         A3: file of string;
         {A3 файли қаторлар кетма-кетлигидан ташкил топган}
         A4: file of string[20];
         {A4 файли 20та белгилли қаторларнинг кетма-кетлигидан ташкил топган}
         A5: text;
         {A5 файли матнли файл ҳисобланади}
```

Агар файлнинг ҳадлари учун тип аниқланган бўлса, бундай файлларни типлаштирилган, акс ҳолда типлаштирилмаган деб аталади:

```
var      A: file ; { типлаштирилмаган файл}
         B: file of char; { типлаштирилган файл}
```

Файллар билан ишлайдиган қуйидаги программани кўриб чиқайлик.

```
Var
    mydata: file of integer;
    i, j, sum: integer;

begin
    assign (mydata, 'd:\tp\myfile.dat');
    {mydata файл ўзгарувчиси билан файлнинг
     исмини myfile.dat ва унинг аниқ йўли
     аниқланмо=да}
    rewrite (mydata); {файл ёзув учун очиқ}
    writeln ('Салом номаълум ўрто=...');
    writeln ('Биринчи сонни киритинг');
    readln (i);
    writeln ('Киритилган сонни дискдаги myfile.dat
             файлига ёзилмокда');
    write (mydata, i); {бу оператор ёрдамида дискдаги myfile.dat файлига i
                      сонини ёзилади}
    writeln ('Иккинчи сонни киритинг');
    readln (j);
    writeln ('Киритилган иккинчи сонни дискдаги myfile.dat
             файлига ёзилмо=да');
    write (mydata, j); {Дискка ёзиш бажарилмо=да}
    sum := i + j;
    writeln ('Йиғинди =', sum);
    writeln ('Йиғинди дискдаги myfile.dat
             файлига ёзилмокда');
    write (mydata, sum); {Дискка ёзиш бажарилмо=да}
    close (mydata); {mydata файли ёпилди}
    writeln ('Хайр номаълум ўрто=...');
end.
```

2. Файлли типлар билан ишлаш процедуралари ва уларнинг вазифалари

Эътиборингизга ҳавола этилган программада **Assign**, **Rewrite**, **Write** ва **Close** процедураларидан фойдаланилди. Энди шу процедураларнинг ва кейинги программада ишлатилувчи **Reset** ва **Read** процедураларнинг вазифалари ва қандай аниқланганлиги ҳақида маълумот бериб ўтайлик:

Assign процедураси.

Вазифаси: Файлли ўзгарувчига таш=и файл исмини ўзлаштиради.
Аниқланиши: Assign (f; name: string);
бу ерда f - ихтиёрий типли файлли ўзгарувчи;
name - қаторли типдаги ифода ёки қатор, файл исми (агар файлнинг тўлиқ йўли кўрсатилмаган бўлса файл ишланаётган каталогда жойлашган бўлади).

Close процедураси.

Вазифаси: очик файлни ёпади.
Аниқланиши: Close (f);
бу ерда f - олдиндан очилган файлга мос келувчи файлли ўзгарувчи.

Read процедураси.

Вазифаси: файл ҳадини ўзгарувчига ў=ийди.
Аниқланиши: Read (f, v);
бу ерда f - файлнинг ихтиёрий типига мос файлли ўзгарувчи (фақат матнли типли эмас);
v - файл ҳадининг типи билан бир хил типли ўзгарувчи.

Reset процедураси.

Вазифаси: мавжуд файлни очади.
Аниқланиши: Reset (f: file);
бу ерда f – файлнинг ихтиёрий типига мос файлли ўзгарувчи ва бу ўзгарувчи файл билан **Assign** процедураси орқали боʻланган бўлиши керак. **Reset** процедураси мазкур файлни очади.

Rewrite процедураси.

Вазифаси: янги файлни яратади ва очади.
Аниқланиши: Rewrite (f: file);
бу ерда f – ихтиёрий файлли типдаги файлли ўзгарувчи. **Rewrite** процедурасини ишлатишдан олдин f ўзгарувчи **Assign** процедураси ёрдамида дискдаги файл билан боʻланиши керак. **Rewrite** процедураси янги файл ташкил қилади.

Write процедураси.

Вазифаси: файл ҳадига ўзгарувчини ёзиб қўяди.
Аниқланиши: Write (f, v);
бу ерда f – файлли ўзгарувчи;
v - f файлининг ҳади билан бир хил типли ўзгарувчи.

Олдинги тузган программамиз «d:» дискдаги tp каталогда myfile.dat файлини ташкил қилди. Энди шу файлдан қандай қилиб маълумотларни ў=ишни кўриб чиқайлик.

```
Var
    mydata: file of integer;
    i, j, sum: integer;

begin
    assign (mydata, 'd:\tp\myfile.dat');
    reset (mydata); {файл ў=иш учун очилмо=да}
    writeln ('Салом номаълум ўрто=...');
    read (mydata, i);
    writeln ('myfile.dat файлидан биринчи сон ўқилди');
    read (mydata, j);
    writeln ('дискдаги myfile.dat файлидан
            иккинчи сон ўқилди');
    read (mydata, sum);
    writeln ('myfile.dat файлидан учинчи сон ўқилди');
    close (mydata); {mydata файли ёпилади}
    writeln ('Хайр номаълум ўрто=...');

end.
```

Text стандарт файлли тип матнли файлларни аниқлайди. Матнли файллар ўзаро янги қаторга ўтиш белгилари билан ажратилган қаторлардан ташкил топади. Матнли файллар билан ишлаш учун махсус киритиш (**Readln**) чоп этиш (**Writeln**) процедуралари кўзда тутилган. Бу процедуралар узунлиги номаълум қаторларни файллардан ў=иш ва файлларга ёзиш учун ишлатилади.

Энди матнли файллар билан ишлашга доир қуйидаги программа билан танишиб чиқайлик:

var


```

mytext: text;
s: string;

begin
  assign (mytext, 'd:\tp\mytext.txt');
    {mytext файлли ўзгарувчи оркали файл
    исми ва йўли аниқланмо=да}

  rewrite (mytext);
    {файл ёзиш учун очиқ}
  writeln ('Сизнинг исмингиз? ');
  readln (s);
  writeln ('Исмингизни дискдаги mytext.txt файлига ёзилмо=да');
  writeln (mytext, s);
    {s - қатори mytext.txt файлига ёзилмо=да}
  close ( mytext);
    {mytext файли ёпилди}

end.

```

1.8.3. Дарсининг замонавий (интерфаол) моделини яратиш

Албатта, ҳар бир дарс машғулотини учун аввал ўқув мақсадлари ажратилган бўлади. Маъруза машғулотини учун эса бу мақсадлар кўпроқ Блум таксономиясининг ҳаракатга оид соҳаларига тегишли бўлади. Қуйида наъмуна сифатида аниқ бир мавзу, унинг учун ажратилган ўқув мақсадлари, машғулот режаси ва уни ўтказиш сценарийсини ишлаб чиқайлик:

Мавзу: “Файллар”

Энди маъруза машғулотини дарсининг режасини тавсия қиламиз.

Дарсининг мақсади:

Таълимий:

1. Талабаларда Паскал тили ҳақида тушунча ва малакаларини ҳосил қилиш;
2. Паскал тилида ишлашда фойдаланиладиган имкониятлари ҳақида атрофлича ва тўлиқ маълумотлар бериш;
3. Паскал тилида ишлаш қўникмаларини ҳосил қилиш.

Тарбиявий мақсад:

компьютерда ишлашда мустақиллик ва жавобгарлик хислатларини тарбиялаш.

талабаларда файлларни яратиш, безаш ва ундаги гузаликни хис этишга ўргатиш.

Ривожлантирувчи:

1. талабаларни ўқишга бўлган, умуман Паскал тилида ишлашга бўлган қизиқишларини орттириш.
2. амалий дастурлар билан ишлашда талабанинг диққати ва ижодкорлигини ривожлантириш;

Дарсининг тури: маъруза машғулотини.

Дарсининг жиҳози:

Дарсликлар, компьютер, дидактик воситалар, дастурий таъминотлар.

Мавзу бўйича маъруза матни.

Тарқатма материаллар (турли хил варақалар, ўйин карточкалари)

Ўқитиш услублари:

1. маъруза;
2. тушунтириш ва намоиш этиш;
3. фронтал сўров;
4. топшириқ.

Дарсининг вақт тақсими:

1. Ташкилий қисм (5 мин)
2. Такрорлаш (10 мин)
3. Назарий қисм (40 мин)
4. Видеодарс ишланмасини намоиш қилиш (15 мин)
5. Дарсни якунлаш (10 мин)

Талаба фан учун ажратилган мавзунини ўзлаштириш натижасида қуйидаги ўқув мақсадларига эришиши керак бўлади.

4. Когнитив (билишга оид) соҳада
 - Дастурлаш тили ҳақида тушунча олади;
 - Паскал тили ҳақида тушунча олади;

- Паскал тили ёрдамида дастур тузиш ва унинг имкониятлари;
 - Паскал тили ёрдамида файлларни яратиш ва имкониятлари;
 - Паскал тили ёрдамида яратилган файлларни ташкил қилиш ва уларнинг имкониятлари;
 - Паскал тили ёрдамида файлларни ўзгартириш ва унинг имкониятлари ҳақида тушунча олади;
 - Паскал тилида файл қандай эффектларга эга бўлиши ҳақида тушунча олади;
 - Паскал тили билан танишади;
 - Файл яратувчи буйруқларнинг классификациясини тушунади;
5. Психомотр (ҳаракатга оид) соҳада
- Дастур туза олади;
 - Файлни сақлай олади ва файл номини ўзгартира олади;
 - Яратилган файлга ном бера олади;
 - Дастурга махсус ўзгартиришларни қўша олади;
 - Паскал тили ёрдамида файллар яратади;
 - Паскал тили ёрдамида эффектларни кушиб янги файл яратади;
 - Паскал тили ёрдамида файлларни махсус усуллар билан таҳрир қилади;
 - Паскал тилида дастур тузиладиган воситаларни ўрната олади;
 - Дастурлаш тили таҳрирловчиларидан фойдалана олади;
 - Таҳрирловчи буйруқларларни параметрларини ўзгартира олади;
6. Аффектив (ҳиссиётга оид) соҳада
- Дастурлаш тили имкониятларини англаб етади;
 - Паскал тили соддалигини, тушунарлилигини англаб етади;
 - Дастурлаш жараёни жуда мукамал ва беқийёслигини ҳис қилади;
 - Паскал тилида дастур тузилганда ҳажмини қисқартириши мумкинлигини ҳис қилади;
 - Паскал дастурининг файллари ораларига қушиш ёки олиш мумкинлигини ҳис қилади;
 - Паскал тили дастурчи меҳнатларини анча енгиллаштиришини ҳис қилади;
 - Паскал тили нима эканлигини ҳис қилади?
 - Паскал тили имкониятларини англаб етади;
 - Паскал тили билан ишлаш қулайлигини сезади;
 - Паскал тили компьютердаги файлларни янада гузаллаштириши мумкинлигини ҳис қилади;
 - Паскал тили версияларини янгилари кучли эканлигини ҳис қилади;
 - Паскал тили фойдаланувчи меҳнатларини анча енгиллаштиришини ҳис қилади;

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм:

Саломлашиш, йўқлама, синфнинг ҳолати, янгилликлар.

Ўқувчи фикрини дарсга жалб этиш. Бу босқич машғулотга тайёргарлик босқичи ҳисобланиб, ўқувчиларнинг машғулотга тайёргарлиги, гуруҳнинг руҳияти, маъруза машғулоти ўтказиш учун керак бўладиган ўқув воситаларининг етарлилиги назорат қилинади.

2. Ўтилган мавзунинг такрорлаш:

1. Гуруҳни микрогуруҳларга (2 ёки 3) бўлиб, мусобақа тарзида савол-жавоб ўтказиш ёки фронтал сўров орқали ўтилган назарий материални такрорлаб олиш кўзда тутилади.

3. Назарий маълумотларни таъкидлаш:

Ўқув мақсадларини тўлиқ англаган талаба ва ўқитувчи уларни амалга ошириш учун, яъни фан учун ажратилган мавзунинг тўла ўзлаштириш учун ҳаракатга киришадилар.

Маълумки, RWCT дастури бўйича критик (таҳлилий) фикрлашнинг асосини қуйидаги фазалар ташкил қилади: даъват (чақирув), англаш, мулоҳаза (ДАМ).

Даъват фазасининг асосан ўқув мақсади бўлиб, булар ўқувчини янги ўрганилаётган муаммо бўйича қандай маълумотларга эга эканлигини аниқлаш, уни фаоллаштириш ва машғулотнинг мақсадини ўқувчига тўлиқ етказиш.

Бу фикрларга асосланиб даъват фазасида мавзу учун интерфаол усуллардан бири Блум саволларини қўллаш мумкин. Бу усул талабани мавзуга оид бўлган билимларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса, мавзунинг мақсадини янада аниқлаштиради. Усул асосида ўқувчига қуйидаги саволлар билан мулоқот қилиш мумкин:

- Дастурлаш тили тушунчаси ҳақида фикрингиз?
- Файллар билан ишлашга мўлжалланган буйруқлар ҳақида фикрингиз?
- Файллар билан ишлашга мос келадиган муаммоларга мисол келтирингиз?
- Файл яратиш учун мўлжалланган барча буйруқларни ўзини Паскал тили деб аташ мумкинми?

Англаш, мулоҳаза фикрлашнинг иккинчи фазаси ҳисобланади. Мавзу бўйича янги ўқув материални тушунилишига эришиш бу фазанинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу фазада ўз тушунчаларини «орқасидан қўйиб» бориш муҳим аҳамиятга эга.


Бу фаза учун Венн диаграмма усулини қўллаш мақсадга мувофиқ.. Чунки, бу усул тушунчаларнинг икки ёки ундан ортиқ тушунчаларни ўзига хос ва умумий жиҳатларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришда қўлланилади. Бу эса, талабадан мавзунини таҳлил қилиш қилишни талаб қилади. Мавзу бўйича ўзлаштирилган билимлар асосида ўқувчи ўзининг таҳлилий фикрларини қуйидаги Венн диаграммасида ифодалаши мумкин:

Монтаж дастурий воситалари		
Паскал тили	Умумий жиҳатлари	Визуал дастурлаш тиллари
-Компьютерда камроқ жой эгаллайди - Компьютерда система билан яхши ишлайди. - файллар тез ишга туширилади - хажми кичкина	-файл шаклида сақланади -кенгайтмага эга - номга эга	-Компьютерда алоҳида урнатилади -файл яратишда ўзига хос бўлади. -хажми катта бўлади..

Бу ерда талаба ўзининг фикрларини келтириб ўтилган жадвалга тўлдиради. Фикрлар мавжумаси чегараланмаган. Фикр қанча куп бўлса, бу ўқувчининг шунчалик ютуғи ҳисобланади.

Мавзунини ўзлаштириб бўлган ўқувчини назорат қилиш учун жуда ҳам кўплаб усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, турли хил ўйинлар, ҳар хил тестлар, кроссвордлар, калит сўзлар асосидаги назорат ишлари ва ҳ.к.ларни келтириб ўтиш мумкин.

Мулоҳаза босқичи учун ҳам ўзига хос бўлган интерфаол усулларида бирини қўллаш мумкин. Масалан, кластерларга ажратишни даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. Асосан, у янги фикрларни уйғотиш ва муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди. Бу усулда мавзуга оид бирор калит сўзни марказга ёзиб олинади ва унинг атрофида шу калит сўзга тегишли бўлган сўзлар ёзиб чиқилади. Уларнинг ҳам ўзига тегишли бўлган сўзлар кетма-кет ёзиб чиқилаверади. Масалан



Уй вазифасини режалаштиришда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

-Уйга бериладиган топшириқ вақтини, ҳажмини, ўқувчиларга оғирлик қилмайдиган қилиб режалаштириш керак;

-Ҳар хил кўринишдаги оғзаки, ёзма, назарий, амалий вазифаларни танлаш лозим;

-Уй вазифасини қандай бажариш, тайёрлаш бўйича намуна, қўшимча фойдаланиладиган манбалар: дарслик, ўқув қўлланмалар ҳақида маълумот бериш лозим.

Маъруза сўнгида ўқитувчи эришилган натижаларни эълон қилиши, дарс жараёнини қисқача таҳлил этиши, актив ўқувчиларни рағбатлантириши, уйга топшириқлар бериши лозим. Уйга берилган топшириқларни бажариш учун керакли тавсия ва кўрсатмалар берилиши, албатта улар табақалаштирилиши зарур. Шундан сўнг машғулот якунланади.

Хулоса қилиб айтганда, самарали ўтказилган дарс машғулотини ундан кўзланган мақсадларга тўлақонли эришилишини ва натижада талабаларда мустақкам билимлар ҳосил бўлишини кафолатлайди.

Дарс якунланади

1.8.4. Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

Назарий саволлар:

1. Файлли типдаги ўзгарувчиларни эълон қилишда қайси хизматчи сўзлардан фойдаланилади?
2. Типлаштирилган файлларга таъриф беринг;
3. Типлаштирилмаган файлларга таъриф беринг;
4. Файллар билан ишлаш программаларидан намуналар келтиринг;
5. Файлли типлар билан ишловчи процедураларнинг вазифаларини тушунтиринг;

6. Файлни ташкил этиш ва ундан маълумот ўқиш программаларини тузинг;
7. Матнли файллар билан ишлаш программаларидан намуналар келтиринг.

1.9. Файллар мавзуси бўйича амалий дарс машғулотларини ўтиш методикаси

1.9.1. Мавзу бўйича ўтказиладиган амалий машғулотнинг технологик харитаси

Дарс машғулотларини олиб боришда замонавий педагогик технологияларнинг услубларидан фойдаланиш натижасида фан ўқитувчисининг дарс жараёнидаги роли камайтирилиб, асосий эътибор аниқлаштирилган ўқув мақсадларига эришиш учун талабаларни фаоллаштиришга қаратилади.

Ишдан мақсад: “Дастурлаш асослари” фанининг “Файллар” гуруҳ мавзуси билан таништириш, файллар билан учун ишлатиладиган буйруқларни орқали дастурлар ярата олиш ва файлларни яратиш, таҳрирлаш, созлаш каби ишларни бажара олиш малакасини ҳосил қилиш.

Режа:

1. Файл ҳақида тушунча.
2. Файлларни ташкил этиш
3. Файлли типларни ҳосил қилиш;
4. Файлли типлар билан ишлаш процедуралари ва уларнинг вазифалари Амалий машғулотга оид топшириқлар.

Мавзу бўйича ўтказиладиган амалий машғулотни бажариш учун белгиланган умумий тартиб кетма-кетлигини эса қуйидагича келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Амалий машғулотни бажариш учун кўрсатилган адабиётлардан, мавжуд электрон қўлланмалардан, шу фан доирасида яратилган электрон услубий таъминотлар ва воситалардан зарур бўлган назарий маълумотларни тўплаш;
2. Намунавий кўрсатма билан танишиб чиқиш
3. Белгиланган вариант бўйича шахсий топшириқларни амалий машғулот бошланишидаёқ олиш;
4. Иш режасида белгиланган масалаларнинг қўйилиши, унинг моҳияти ва халқ ҳўжалигидаги масалаларни ечишдаги аҳамияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш;
5. Масалани ечиш усуллариининг ишчи алгоритмларини ишлаб чиқиш;
6. Ишлаб чиқилган кетма-кетлик бўйича уни ишга созлаш;
7. Шина структурали тармоқ турини ажрата олиш ва ишонч билдириш;
8. Қўйилган масала (шахсий топшириқ)дан олинган натижаларини зарур формада тайёрлаш чоп этишни ташкиллаш;
9. Бажарилган ишларни, белгиланган режа асосида расмийлаштириш ва уни ўқитувчи ҳузурида ҳимоя қилиш (дарс мобайнида);
10. Ҳимоя қилинган, ўқитувчи томонидан баҳоланган амалий ишни ўқитувчига топшириш;
11. Амалий машғулотни ўз вақтида бажармаган талаба ўқитувчи белгилаган вақтда (дарс машғулотларидан бўш вақтда) кафедрага келиб ишни бажаради ва белгиланган тартибда уни ҳимоя қилади;

Агар талаба дарс мобайнида ва қўшимча белгиланган вақтда ҳам амалий машғулотни бажармаса шу мавзу учун рейтинг балларини ололмайди ва фандан ўзлаштирмаган ҳисобланади.

Машғулот жараёнида «таҳлилий фикрлаш» интерфаол усулидан фойдаланиш яхши натижалар бериб, у учта фаза асосида амалга оширилади: даъват, англаш, мулоҳаза. Улар бир бирини тўлдиради ва доим яхлит, мазмунан яқунланган натижага олиб келади. Даъват босқичида «синквейн» стратегиясини қўллаб, талабалар фикрини бир жойга тўплаб олинади.

Амалий машғулот дарсини технологик харитаси

Мавзу: Файллар

Дарс тури: Амалий Дарс вақти: 80 минут

Ўқув модуллари	Ўқитувчининг вазифаси	Ўқувчининг вазифаси	Қўтилаётган натижа
Ташкилий қисм	Талабаларни амалий машғулотини ўтиш учун аудиторияни баҳолаш, талабаларни дарсга тайёрлаб олиш ва давомат	Амалий машғулот дарсига тайёргарлик кўриши зарур.	Амалий машғулот дарсига тайёр туради.
Файллар	Файллар ташкил этиш хусусиятлари, нималарни амалга ошириши ҳақида умумий маълумот бериш.	Файлларни ташкил этиш унинг хусусиятлари, нималарни амалга ошириши ҳақида умумий маълумотга эга бўлиш	Файлларни ташкил этиш, унинг хусусиятлари, нималарни амалга ошириши ҳақида умумий маълумотга эга

			бўлади.
Янги мавзу: Файллар	Файллар ва уларни яратиш, тахрирлаш, ўчириш ва типлини ўзгартириш билан боглик ишларни бажариш, файллар системасини ташкил қилиш, каталог, файллар ишлаш тамойилларини ўзлаштириб амалий ишлаб кўриш.	Файллар ва уларни яратиш, тахрирлаш, ўчириш ва типлини ўзгартириш билан боглик ишларни бажаришни амалий кўллаб, файллар ва каталоглар устида амаллар бажариши лозим. (файлларни яратиш, кўчириш, ўчириш, тахрирлаш, сақлаш, файлли тизим устида бошқа амаллар бажариш)	файлларни ташкил этишда ишни қандай ташкил этиш кераклиги ҳақида бошланғич маълумотга эга бўлади.
Мавзуни мустаҳкамлаш	Ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиб, таълими технологияларини тадбиқ этиш (ақлий ҳужум, БББ методларидан фойдаланиш) Талабаларни умумлашмаган фикрларини умумлаштиради.	Мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида фаол иштирок этиш ва кўйилган масалани моҳиятига қараб жавобларни аниқлаш ёки амалда бажариб кўрсатиш	Талабаларда мотивни шакллантиради (мавзуни билишга бўлган ҳоҳши шаклланади) .
Амалий машғулот жараёнида бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот ва таҳлил тайёрлаш	Ҳисобот ёки таҳлилларни тайёрлашга кўрсатма бериб бориш	Ҳисобот ёки таҳлил тайёрлаш	Ҳисобот ёки таҳлил тайёрлаш жараёнида талаба мавзу бўйича нималарни ўрганганлиги ҳақида билиб олади.
Уйга вазифа	Бериладиган топшириқ: Файллар ва уларни яратиш, тахрирлаш, ўчириш ва типлини ўзгартириш билан боглик ишларни бажаришни ўрганиш, буйруқларини форматини тўлиқ ўрганиш	Берилган топшириқни ёзиб олиши ва бажариш	Мавзу моҳиятига чуқурроқ қиради.

Ҳар қандай педагогик жараён энг аввало педагогик мақсадни, яъни педагог ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасини олдиндан тасаввур этишни аниқлашдан иборат.

1.9.2. Дарснинг интерфаол моделини яратиш

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, амалий машғулот-бу назария билан амалиётни боғловчи ўзига хос дарс шакли бўлиб, у талабалар томонидан ўзлаштирилган турли хил ўқув-амалий масалаларни, билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Самарали ўтказилган амалий машғулот назарий билимларни мустаҳкамланишига ва ўқувчида керакли малакаларни ҳосил бўлишига олиб келади. Шунинг учун фан ўқитувчиси амалий машғулотларни ўтказишнинг самарали услубларини излаб топишга ва ўқув жараёнига қўллашга масъулдир.

Ўқувчиларни янги билимларни ва фаолият турларини ўзлаштиришларида қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

1. Дарсни ўрганишга тегишли янги тушунча ва фаолият турининг мазмунини аниқ белгилаш. Бунинг учун ўқитувчи зарурий ўқув материалнинг мазмуни ва ҳажмини чуқур ўйлаши, ўқувчилар хотирасини керакмас, иккинчи даражали маълумотлар билан тўлдирмаслиги зарур.
2. Муайян дарс босқичининг англандан ва ривожлантирувчи масалаларини аниқ белгилаш.
3. Ўқувчиларни янги тушунчаларни янги хусусиятлари билан таништириш, у ҳақида
4. Дастлабки тўғри тасаввурларни шакллантириш.
5. Ўқувчиларда мавзу ҳақидаги асосий тушунчаларни кенгайтириш.
6. Ўқувчиларда тўлиқ ва атрофлича тушунчалар ҳосил бўлишига эришиш.
7. Муайян тушунчага тегишли фақат билимлар ҳосил қилиб қолмасдан, амалий масалалар ечишда улардан фойдаланиш малакасини ҳам ҳосил қилиш керак.

Бундан ташқари, кўникма ва малакаларни ўқувчи қай даражада ўзлаштиришини аниқлаш зарур. Сўнгра ўрганилаётган янги тушунча, хосса ва асосий теоремаларни ўзлаштириш усулини ўйлаш,

Ўқувчининг мустақил иш турини аниқлаш, ўқувчининг шахсий қобилиятларини ҳисобга олиш, фаолиятнинг коллектив турини ишлаб чиқиш, ўқувчилар ишини табақалаштириш имкониятларини қидириш зарур.

Ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнида ўқувчи қуйидагиларни унутмаслиги керак.

-Билим-таълимнинг бош омили. Фақат унинг асосидагина малака ва кўникмалар шакллантирилади.

-Малака ва кўникмаларни шакллантириш дарсларини режалаштиришда ўқувчиларни ўзига хос психологик табиатга эга эканликларини ҳар қандай малака фақат тажриба орқали ҳосил қилинишини ҳисобга олиш керак. Кўникма эса тўлиқ шаклланган бутун бир амалий ва ақлий ҳаракатлар йиғиндисини ифодалайди.

-Ўқувчиларда малака ва кўникмаларни шакллантириш фаолиятини режалаштиришда, ҳар хил машқлар бажаришда, ижодий мустақил ишларни бажаришда уларни ўзига хос индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Албатта, ҳар бир дарс машғулотини учун аввал ўқув мақсадлари ажратилган бўлади. Амалий машғулот учун эса бу мақсадлар кўпроқ Блум таксономиясининг ҳаракатга оид соҳаларига тегишли бўлади. Қуйида наъмуна сифатида аниқ бир мавзу, унинг учун ажратилган ўқув мақсадлари, машғулот режаси ва уни ўтказиш сценарийсини ишлаб чиқайлик:

Мавзу: Файллар

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари:

Талаба амалий машғулотдан сўнг қуйидаги малакаларга эга бўлади.

Ҳаракатга доир соҳада:

1. Паскалда файллар нималигини билади
2. Файл яратишни билади
3. Файл таҳрирлашни билади;
4. Файл учиришни билади;
5. Файлларни ўзгартириш ва уларни бошқариш тушунчаларини билади;
6. Файл ташкил этишни билади;
7. Файлларни очиш ва ёпиш буйруқларини бажара олади.
8. Буйруқ форматларидан фойдалана олади;
9. Файлга маълумотларни киритади ва таҳрирлайди;
10. Файлдан керакли маълумотларни кидира олади
11. Файл ҳажмини аниқлай олади
12. Файл охирини аниқлай олади

Аффектив ҳиссиётга оид соҳада:

1. Талаба дастурлаш тилининг жуда қулай ва кенг имкониятларга эга эканлигини англайди.
2. Паскал тили муҳитида ишловчи энг замонавий дастурларни яратиш учун мўлжалланган дастур эканлигини сезади.
3. Ҳисоблаш машинасига бўлган қизиқиши ортади.

Энди амалий машғулот дарсининг режасини тавсия қиламиз.

Дарснинг мақсади:

Таълимий:

4. Талабаларда дастурлаш тиллари билан ишлаш малакаларини ҳосил қилиш;
5. Дастурларлаш тилларининг имкониятлари ҳақида атрофлича ва тўлиқ маълумотлар бериш;
6. Дастурлаш тиллари асосида дастур таъминотларини яратиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Тарбиявий мақсад:

компьютерда ишлашда мустақиллик ва жавобгарлик ҳислатларини тарбиялаш.

талабаларда маълумотларни қайта ишлаш, дастурларни безаш ва ундаги гўзалликни ҳис этишга ўргатиш.

Дастурий таъминотларни самарали яратиш.

Ривожлантирувчи:

3. талабаларни ўқишга бўлган, умуман дастурлаш тилларига бўлган қизиқишларини орттириш.
4. амалий дастурлар билан ишлашда талабанинг диққати ва ижодкорлигини ривожлантириш;

Дарснинг тури: Амалий машғулот.

Дарснинг жиҳози:

Дарсликлар, компьютер, дидактик воситалар, дастурий таъминотлар.

Топшириқни бажариш учун услубий кўрсатма.

Тарқатма материаллар (турли хил варақалар, ўйин карточкалари)

Ўқитиш услублари:

5. маъруза;
6. тушунтириш ва намоиш этиш;
7. фронтал сўров;
8. Амалий топшириқ.

Дарснинг вақт тақсимооти:

6. Ташкилий қисм (3 мин)
7. Такрорлаш (7 мин)

8. Назарий қисм (10 мин)
9. Амалий топшириқлар бажариш (50 мин)
10. Дарсни якунлаш (10 мин)

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм:

Саломлашиш, йўқлама, синфнинг ҳолати, янгиликлар.

Ўқувчи фикрини дарсга жалб этиш. Бу босқич машғулотга тайёргарлик босқичи ҳисобланиб, ўқувчиларнинг машғулотга тайёргарлиги, гуруҳнинг руҳияти, амалий машғулот ўтказиш учун керак бўладиган ўқув воситаларининг етарлилиги назорат қилинади.

2. Ўтилган мавзунини такрорлаш:

2. Гуруҳни микрогуруҳларга (2 ёки 3) бўлиб, мусобақа тарзида савол-жавоб ўтказиш ёки фронтал сўров орқали ўтилган назарий материални такрорлаб олиш кўзда тутилади.

3. Назарий маълумотларни таъкидлаш:

Бунда Паскал дастурлаш тилида файлларни яратиш, тахрирлаш, учуриш ва бошқа имкониятлари билан боғлиқ амалий топшириқларни бажаришда керак бўладиган назарий маълумотлар кўргазмалар кураоллар, техник воситалар ёрдамида намойиш қилинади ва асосий бажариладиган иш бўйича услубий кўрсатмалар берилади.

4. Амалий топшириқлар бажариш. Бутун гуруҳга топшириқ бериб, уни қандай бажарилиши назорат қилинади ва баҳоланади. Бу босқичда талабалар тавсия қилинган жадваллар асосида барча топшириқларни бажарадилар, масалан Паскал тилида файллар билан ишлаш асосларини ишлаб чиқадиладар, тугмаларни вазибаларини яхшироқ ўрганиш учун дастурий таъминотларини келтириб, уларни асослайдилар ҳамда ҳисоботларини тайёрлайдилар.

Топшириқ намуналари:

1. Паскал тилида файллар билан ишлаш буйруқлари ва хусусиятларга оид дастурлардан намуна келтиринг.
2. Агар мавжуд бўлса, Паскал тилида файллар билан ишлаш аҳамиятини асослаб мисоллар келтиринг.

Берилган вариантлар бўйича дастурий таъминотларни яратинг ва натижаларни олинг. Олинган натижалар бўйича ҳисобот тайёрланг.

Дарсни якунлаш ва уйга вазифа:

Уйга вазифани беришда топшириқни изчиллигига уни талаба томонидан бажара олиш имкониятларига алоҳида эътибор берилиши ва вазифани бажариш учун тавсия ва керакли маслаҳатларни бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Талабалар эришган натижаларни таҳлил этиш, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида маълумотлар бериш.

Уйга вазифа ва уни бажариш учун кўрсатмалар бериш.

Уйга вазифа:

Ҳар ким ўз вариантига мос дастурларни келтириб, компьютер вариантда олиб келиш.

Уй вазифасини режалаштиришда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

-Уйга бериладиган топшириқ вақтини, ҳажмини, ўқувчиларга оғирлик қилмайдиган қилиб режалаштириш керак;

-Ҳар хил кўринишдаги оғзаки, ёзма, назарий, амалий вазибаларни танлаш лозим;

-Уй вазифасини қандай бажариш, тайёрлаш бўйича кўрсатмалар, қўшимча фойдаланиладиган манбалар: дарслик, ўқув қўлланмалар ҳақида маълумот бериш лозим.

Машғулоти сўнггида ўқитувчи эришилган натижаларни эълон қилиши, дарс жараёнини қисқача таҳлил этиши, актив ўқувчиларни рағбатлантириши, уйга топшириқлар бериши лозим. Уйга берилган топшириқларни бажариш учун керакли тавсия ва кўрсатмалар берилиши, албатта улар табақалаштирилиши зарур. Шундан сўнг машғулоти якунланади.

Хулоса қилиб айтганда, самарали ўтказилган дарс машғулоти ундан кўзланган мақсадларга тўлақонли эришилишини ва натижада талабаларда мустаҳкам билимлар ҳосил бўлишини кафолатлайди. Дарс якунланади.

1.9.3. Мавзу бўйича баҳолаш мезони

Баҳолаш бу- таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражаси олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

Нима учун баҳолаш керак ?

Ўқув мақсадларига эришилганлигини аниқлаш учун;

Кейинги босқичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;

Натижага эришганлигини тасдиқлаш учун;

Ўқувчиларини қизиқишларини аниқлаш учун ;

Ютуқ ва камчиликларини аниқлаш учун ;

Ўқувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиш учун ;

Ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун ;
 Таълим жараёнини ютуқларини аниқлаш учун ;
 Ўқувчиларни ютуқларига қизиқтириш учун ;л
 Ташқи қизиқишларига , иш берувчиларга ,юқори ташкилотларга ва ота-оналарга маълумот бериш учун ;
 Нимани баҳолаш керак ?
 Назарий билимларни ;
 амалий кўникма ва маълакаларни ;
 хулқ атвор ва шахсий фазилатларни .
 Қачон баҳолаш керак?
 Таълим жароёни бошида (Бошланғич баҳолаш);
 Таълим жароёни давимида (Жорий баҳолаш);
 Таълим жароёни якунида (якуний баҳолаш);
 Баҳолашнинг асосий хусусиятлари ;
 Таълим мақсадига йўналганлик ;
 Мунтазам ўтказиб бориш ;
 Педагогик , психалогик ҳуқуқий таъмоилларига асосланганлик ;
 Умумий қабул қилган натижа қандартларига асосланганлик.
 Таълим олувчиларнинг бил,имини баҳолаш қуйидаги беш балли тизим асосида олиб борилади:
 “5”(аъло) балл ўқувчининг ўқув дастури мазмунини чуқур ва тўла эгаллаб олгани , ўқув матириалларида назарий ва фактик жиҳатларини ажрата билгани , муатақил равишда жавоб қила олгани, айтилган таърифларни тишунтиришни изоҳлай олиши, шунингдек жавобни тўғри услубда ва бадиий шаклда эканлиги учун қўйилади. Жавоб ишончли ва беҳато бўлган ҳолда.
 “4” (яҳши) балл ҳам материалнинг мазмунини чуқур ва тўла ўзлаштиргани учун, ўрганилган тушунчаларни, қоидаларни, таклифларни тўғри баён эта олиш ва исботлай билиш малакаси учун қўйилади. Лекин таълим олувчи ноаниқликларга, жавоб мазмунини, шакл ва услубида айрим ҳатоларга йўл қўйган ҳолларда.
 “3” (ўрта) балл таълим олувчи ўқув материаллардаги асосий қоидалар ва боғланишларни ўтганлиги ва тушунишни аниқлатади.
 Лекин тишунчаларни етарли даражада чуқур эгаллаб олмаганидан далолат берадиган ҳатоликларга йўл қўяди, айтадиган фикрни баён эта олмайди. Жавобида бирлик йўқ бўлади.Таълим олувчи одатда таълим берувчининг ёрдами билан жавоб берган ҳолларда.
 “2” (ёмон) балл таълим олувчи сицемасиз тарқоқ билимларга эга бўлган учун қўйилади.У асосий ва иккинчи даражали нарсаларни ажратмайди, назарий ва фактик мазмуннинг бир-биридан фарқини билмайди. Таълим олувчи одатда ёд олинган ибораларни такрорлайди, бундан на унинг ўзида ва на таълим берувчидақаноатланиш ҳисси туғилмайди.Бу билимларнинг шундай бир даражасига дастурдаги материалларни бундан кейинги ўрганилишини унга асосланиб ташкил этиб бўлмайди. Бундай билимлар ақлий ривожланишига камдан кам ёрдам беради.
 “1” (жуда ёмон) балл қачонки, таълим олувчи дастурдаги материални билмаган ва тушунмаган, мазмунда кўплаб қўпол ҳатоларга йўл қўйган ҳолларда қўйилади.

1.10. Дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш самарадорлиги

II. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Хулоса

Маълумки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мамлакатнинг барча олий таълим муассасаларини ягона ахборот тизимига бирлаштирган корпоратив компьютер тармоғи ташкил этилиб, ривожлантирилмоқда. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан республикада Интернет тармоғига жамоа бўлиб уланиш пунктларини ташкил этиш дастури амалга оширилмоқда.

Битирув малакавий ишни бажариш жараёнида келтириб ўтилган фикрлардан қўринадики, Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этишда интерфаол усуллардан фойдаланиш талабаларга катта имкониятларни очиб, билим олишда амалий ёрдам беради.

Битирув малакавий ишида, касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган Дастурлаш асослари фанининг Файллар мавзуси бўйича маъруза ва амалий дарс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этишга ҳаракат қилинди. Масалани ечиш учун битирув малакавий ишида қўйилган муаммоларни ҳал қилиб қуйидаги ишларни амалга оширилди:

.....	М
асалани ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар	
.....	М
асаланинг қўйилиши ва амалий аҳамияти	
.....	Ў
қитиш методикасининг умумий масалалари	
– Дидактик тамойилларни ўқув жараёнига қўллаш	
– Педагогик технологиялар таҳлили	
– Дарс ўтишнинг ташкилий шакллари танлаш ва асослаш	
– Ўқитиш технологияларининг мавзуга мос услубларини танлаш, таҳлил қилиш ва асослаш	
– Дарсда қўлланиладиган дидактик материаллар ва ахборот технологияларини таҳлил қилиш.	
.....	Ф
айллар мавзуси бўйича маъруза дарс машғулотларини ўтиш методикаси	
– Лойиҳаланаётган дарс мавзуси ва ўқув модуллари	
– Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ёритиш	
– Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар	
– Дарснинг замонавий (интерфаол) моделини яратиш	
– Мавзунинг маъруза матни	
– Мустақил иш учун савол ва топшириқлар	
– Маъруза матнини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
.....	Ф
айллар мавзуси бўйича амалий дарс машғулотларини ўтиш методикаси	
– Амалий машғулот мавзуси бўйича дарс лойиҳаси ва ўқув модуллари	
– Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари	
– Дарснинг интерфаол моделини яратиш	
– Битта гуруҳнинг дарсдаги фаолияти учун технологик харита ишлаб чиқиш	
– Ўқитиш воситалари ва методларини танлаш ва асослаш	
.....	Э
лектрон дидактик воситалар ишлаб чиқишнинг дастурий воситалари	
.....	“
Файллар” мавзуси бўйича маъруза машғулотлари учун электрон дидактик воситалар яратиш	
.....	“
Файллар” мавзуси бўйича амалий машғулотлар учун электрон дидактик воситалар яратиш	
.....	Д
арс машғулотларини электрон дидактик воситалардан фойдаланиб ташкил этиш самарадорлиги	

Касб-хунар коллежларида ҳамда олий таълим муассасаларининг талабалар, қолаверса кенг фойдаланувчилар, шу соҳага қизиқувчи барча изланувчилар учун ўқувчиларга электрон дидактик воситаларни яратиш ва ундан дарс машғулотларида фойдаланишни ўргатувчи электрон восита яратиш билим олиш учун катта ёрдам беради.

Масалани асосий мақсади, Ўқувчиларга дастурлашда файлларни яратиш ҳамда Турбо Паскал дастурлаш тилида файллар билан ишловчи буйруқлар билан ишлашни ўрганмоқчи бўлган талаба ва ўқувчиларга энг ажойиб ва оммабоп бўлган ҳақиқий ўргатиш учун мўлжалланган ўргатувчи электрон дидактик воситага эга бўлиш эди, битирув малакавий иши бўйича бажарилган иш дастурлаш асослари фанида файллар билан ишлаш имкониятини янада очиб беради.

Мен ушбу малакавий ишини тайёрлаш ва ёзиш жараёнида дарс машғулотларини ташкил этишда дидактик воситалардан фойдаланиш ҳамда бу дидактик воситаларни қандай яратиш, уларни Интернетга боғлаш ҳамда сайтни янада бойитиш бўйича жуда ҳам кўп билим ва малакаларга эга бўлдим. Электрон саҳифаларни янада бойитиш усуллари, саҳифаларга бошқа сайтларнинг гипершоратларини боғлаш – каби саволларга ўзимда қаноат ҳосил қила оладиган жавоб олдим. Шунингдек, талабаларга доимий равишда билим бериб бориш жараёнида ўзимни малакавий ишимда бажарган ишларимни янада такомиллаштириш бўйича янги тасаввурлар олдим.

Юқорида келтириб ўтилган мавзу бўйича яратилган Турбо Паскал тилида Файллар билан ишлашни ўрганишда дидактик воситалардан касб-хунар коллежларида, шунингдек шу ерда таҳсил олаётган ўқувчилар талабалар ёки коллежда таълим олишни истовчи мактаб ўқувчилари ҳам ўрганиш керакли маълумотларни олиш учун фойдаланишлари мумкин.

Келгусида бу ишларимни давом эттириб, касб-хунар коллежларида замонавий янги педагогик технологиялар асосида ўқувчиларга билим бериш учун албатта ўқувчиларга дарс машгулотларида дидактик воситалардан фойдаланишни ўргатувчи электрон восита яратиш, турли хил электрон саҳифалар, электрон қўлланмалар яратиш, талабаларнинг билимини янада мустаҳкам бўлишида ўзимни олган билимларим билан жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Олий ва урта махсус таълим вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кумитаси томонидан яратилган «Ўзлуксиз таълим тизими учун укув адабиётларининг янги авлодини яратиш» концепцияси.
2. Ғуломов С. С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик /Академик С. С. Ғуломовнинг умумий таҳрири остида.—Т.: «Шарқ», 2000.-592 б.
3. И.Шапошников. Web - сайт своими руками. СПб.:БХВ-Петербург, 2000.
4. «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти », акад.С. Ғуломов ва М. Шарифхўжаевлар таҳрири остида., Тошкент « Ўқитувчи » 2000 йил.
5. «Иқтисодиёт илми асослари », С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев, Тошкент, «Молия », 2002 йил.
6. А.Р.Марахимов, С.И.Рахмонкулов «Интернет ва ундан фойдаланиш асослари». Тошкент-2001.
7. Microsoft FrontPage 2000. Шаг за шагом.М., ЭКОМ,2000.
8. И.Шапошников. Web - сайт своими руками. СПб.:БХВ-Петербург, 2000.
9. 1. Йенсен К., Вирт Н. ПАСКАЛЬ: руководство для пользователя и описание языка. - М.: Финансы и статистика, 1982.
10. Грогано П. Программирование на языке Паскаль. -М.: Мир, 1982.
11. Вирт Н. Алгоритмы и структуры данных и программы. -М.: Мир, 1985.
12. Грэхем Р. Практический курс языка Паскаль для микроЭВМ. -М.: Радио и связь, 1986.
13. Абрамов В., Трифонов Н., Трифонова Г. Введение в язык Паскаль. -М.: Наука, 1988.
14. Файсман А. Профессиональное программирование на Турбо Паскале. -Т.: "Инфомэкс Корпорейшн", 1992.
15. Findlay W., Watt D.A., Paskal. An introduction to methodical programmin. Third edition. - London: Pitman, 1985.
16. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание. 1989. – 80с.
17. Н.Гайбуллаев, К.Тошмуродова «Педагогика» маърузалар матни, Тошкент-2000 йил
18. Р.Мавлонова, О.Тураева, К.Холикбердиев «Педагогика» Тошкент «Уқитувчи» 2001 йил
19. З.К.Исмаилова «Педагогикадан амалий машгулотлар» Тошкент «Фан» 2001 йил
20. Н.И.Макиенко «Хунар-Техника таълими билим юртларида педогогик процесс» «Уқитувчи» нашриёти Тошкент-1979 йил
21. Малака ошириш факультети «Уқитишнинг интирактив услублари» Наманган 2001 йил
22. «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти », акад.С. Ғуломов ва М. Шарифхўжаевлар таҳрири остида., Тошкент « Ўқитувчи » 2000 йил.
23. « Иқтисодиёт илми асослари », С. Ғуломов, А. Абдуллаев, А. Сотволдиев, Тошкент, «Молия », 2002 йил.
24. И.Холлиев, А.Икромов «Экология» (касб-хунар коллежлари учун) Тошкент «Мехнат» - 2001 йил
25. Н.Жабборов. -"Химия ва атроф-муҳит" Тошкент., "Уқитувчи" 1992 йил
26. Ш.Отабоев, М.Набиев.-"Инсон ва биосфера" Тошкент,"Уқитувчи"1995 йил

